

20т.



А.А. Қодиров

ЎРТА ОСИЁДА  
МЕДИЦИННИНГ  
ПАЙДО БЎЛИШИ



А. ҚОДИРОВ

медицина фанлари доктори, профессор

ЎРТА ОСИЁДА  
МЕДИЦИННИНГ  
ПАЙДО БЎЛИШИ

ЎзССР ФА мухбир аъзоси  
А. Р. Муҳаммаджонов таҳрири остида



Тошкент

Ибн Сино номидаги нашриёт

1990

УДК 61 (091)  
*8-53*

Тақризчи медицина фанлари доктори проф. *M. A. Аҳтамов*

## МУАЛЛИФДАН

Үтмишни ўрганинг, у келгусининг  
муаллимидир.

*Халқ мақоли.*

Гос. научно-медицинская  
библиотека  
Министерства УзССР г. Ташкент

№ \_\_\_\_\_

Қодиров А. А.

К 53 Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши.—Т:  
Ибн Сино номидаги нашриёт, 1990. — 63б.

Қадыров А. А. Возникновение медицины в Средней Азии.

ББК 5г

К 4102000000—049  
М 354 (04)-90 72-90

ISBN 5-638-00325-8

© А. А. Қодиров, 1990.

Кейинги вақтларда Ўрта Осиёning, хусусан Ўзбекистоннинг қадимги тиббиёти тарихига қизиқиш анча кучайди. Ўрта Осиёда таваллуд топиб, жаҳон фанини бойитган йирик олимларининг юбилейлари ўтказилиши муносабати билан бундай қизиқиш янада ортди. Тиббиёт тарихига оид бир қанча илмий мақолалар эълон қилинди, докторлик ва кандидатлик диссертациялари ёқланди. Уларда кўзга кўринган олимларининг ҳаёти ва илмий мерослари баён этилди. Аммо, бу асарларнинг муаллифлари кўпинча ўрта асрлар тиббиёти ва унинг намояндалари, асосан Ибн Сино ҳаёти ва илмий фалиятининг айрим томонларини ёритиш билан чеклана-дилар. Улар ўлкамиз тиббиётининг ундан олдинги тарихини четлаб ўтадилар ёки жуда юзаки ёритадилар. Биз тиббиёт тарихига оид адабиётларда Ўрта Осиё териториясида тиббиётнинг келиб чиқиши негизларига бағишлиланган бирорта ҳам асар топмадик. Ўрта Осиё тиббиётининг тарихи эса узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо, бу масала ҳамон етарлича ўрганилмай ва ёритилмай келмоқда. Шуни эътиборга олиб, биз шу масалани ўрганишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Бу асарни ёзишда биз археологик материалларга асосландик. Хусусан, ЎзССР Фанлар академияси Археология институти ходимлари томонидан ўлкамизнинг турли областларида топилган археологик материаллар ва улар ҳақидаги ахборотлардан фойдаландик. Бундан

ташқари, бошқа мамлакатларда олиб борилган археологик текширишлар материалларидан ҳам фойдаланилди.

Урта Осиёда тиббиётнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихига оид материаллар асосан ҳозирги Ўзбекистон территориясида топилган. Бинобарин, бу рисола асосан Урта Осиёнинг қадимги тиббиёти тарихини ифода этади. Рисола бу масалани ўрганиш йўлидаги биринчи қадам бўлганлигидан у баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги табиийдир. Шуни эътиборга олиб, муҳтарам ўқувчиларимиздан ўз фикр-мулоҳазаларини қўйидаги адресга ёзиб юборишларини сўраймиз: Тошкент, Навоний кўчаси, 30.

*Муаллиф*

## ДАСТЛАБКИ МУОЛАЖА УСУЛЛАРИ

Тиббиёт тарихига доир манбаларда дастлабки муолажа усуллари бундан тахминан юз минг йиллар муқаддам яшаган ибтидоий жамоа одамлари томонидан ишлаб чиқилган, деган фикр узоқ вақтдан бўён ҳукм суреб келган эди. Археолог-палеопатологлар ва тиббиёт тарихчиларининг сўнгги текширишлари шуни кўрсатдики, баъзи бир оддий (примитив) даволаш усуллари ўша даврдан анчагина илгари ҳам маълум бўлган экан.

Ҳар қандай тирик мавжудот организми биологик жиҳатдан касалликларга бардош бериш хусусиятига эга эканлиги биологлар ва медикларга яхши маълум. Буни И. И. Мечниковнинг фагоцитар ва Пауль Эрлихчининг гуморал иммунитет назариялари исботлаб берган. И. И. Мечников ва Пауль Эрлих шуни исботлаб бердиларки, қон таркибига кирувчи фагоцитлар (лейкоцитлар) ва антителолар организмга ташқаридан кириб қолган касаллик омиллари (микроблар) билан дарҳол курашга киришиб, уларни йўқ қилишга ҳаракат қиласр экан. Шунинг учун баъзан касалкиши бирор сабабга кўра даволанмаса ҳам тузалиб кетиши мумкин. Организмнинг касалликларни бартараф қилишдек бу хусусиятини «ички тиббиёти», яъни организмнинг ўз ичидаги таъсир қилувчи «тиббиёти» деб аташ мумкин. Ҳаётда бу «ички тиббиёт»нинг аҳамияти жуда катта. Табиатда касаллик келтириб чиқарувчи омиллар шу қадар кўп ва турли-туманки, агар тирик

организмларда шу «ички тибиёт» бўлмаганда, улар аллақачон турли касалликлардан нобуд бўлиб, йўқолиб кетган бўлардилар.

Маълум бўлишича, тирик мавжудотлар, шу жумладан ҳозирги замон одамларининг узоқ ўтмишдаги аждодлари организмида «ички тибиёт» биогенез жараёнининг ҳамма даврида ривожланиб борган. Бундай эволюцион жараён 2 миллиард йил давом этган, яъни у биосфера-нинг ёшига тенгdir.

Ҳайвонот ва ўсимликлар оламида эволюцион жараён биогенез доирасидагина содир бўлди. Бунда ривожланиш асосан биологик хусусиятларнинг такомилланиши йўлидан борди. Қадимги одамларда эса эволюция биогенез чегарасидан чиқиб, антропогенез жараёнида ҳам давом этди. Бунда одамнинг пайдо бўлиши—эволюциянинг янги хили юзага келди, яъни ҳаётда ортирилган тажрибанинг сўнгги авлодларга сингиб бориш жараёнини бошлаб берди.

Антропогенез касалликларга қарши чора ва восита-лар ишлаб чиқишида янги давр очиб берди. Маълум бўлишича, сон-саноқсиз кўп касаллик омиллари (микроблар, паразитлар, ташқи муҳитнинг оғир шароитлари ва ҳ. к.) билан ўраб олинган шароитда ҳаётни сақлаб қолиш учун «ички тибиёт»нинг ўзи етарли эмас экан. Бу шароитда ҳаётни сақлаб қолиш учун яна «ташқи тибиёт», яъни турли даво чораларини амалга ошириш зарурлиги аёи бўлди. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда касалликка қарши курашда организмнинг ички кучларига ёрдам бериш талаб этилди. Шу тариқа дастлабки даволаш усуслари пайдо бўлди. Бу ҳақда улуғ Ҳиппократ (Гиппократ) шундай деган эди: «Табиат (одам организмийи— А. К.) ўзи даволайди, табиб эса бунда табиатга ёрдам беради».

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, баъзи ҳайвонлар касалликдан қутулиш чорасини билганлар. Масалан, уларнинг шифобахш ўсимликларни топиб еб,

турли касалликлардан қутулиб кетганлиги ҳақида матбуотда кўпгина хабарлар эълон қилинган. Аммо, ҳайвонлар шифобахш ўсимликлардан фойдаланганда уларга фақат инстинкт ёрдамга келган. Уларда ҳаётни сақлаб қолиш усуслари биогенез доирасидан чиқмай қолган. Ҳайвонлар фақат биогенез доирасида ривожланишлари натижасида меҳнат қилиш қобилиятини ўзлаштира олмаганлар, чунки уларда меҳнат органи (қўй) ривожланмаган. Шу сабабли ҳайвонлар табиатдаги шифобахш ўсимликлардан фақат пассив равишда фойдаланган. Бу ўсимликлар натурал ҳолда ишлатилган.

Инсонларда иш бошқача бўлган. Бизнинг қадимий аждодларимиз гавда тузилиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга бўлганликлари туфайли ўз ривожланишларида давом этиб, биогенез давридан антропогенез даврига ўтганлар. Бунда улар интеллектуал қобилиятларини ҳам ўзгартирганлар. Бунинг натижасида улар яшаб қолишга қаратилган ҳаракатларида, яъни даво чораларини қўллашда, фаҳм-идрокни ишлата бошлаганлар. Масалан, улар касалликка даво қилинша шифобахш ўсимликларни қидириб топганлар ва ишлатганлар. Шундай қилиб, бизнинг қадимги одамсизмон аждодларимизда муолажа усусларини ишлаб чиқиш, уларнинг антропогенез ривожланишлари билан параллел, бир вақтда давом этган. Археологлар ва антропологлар бу жараён бундан тахминан уч миллион йил илгари, инсонлар ҳайвонлар оламидан ажralиб чиқкан даврда бошланган деб ҳисоблайдилар.

Археологларнинг фикрича, ҳайвонлар оламидан инсонлар оламига қадамни биринчи бўлиб Африка ва Осиё қитъаларида яшаган аждодларимиз қўйган. Маймунлардан одамларга ўтиш даврида яшаган махлукларнинг суюклари фақат Африка ва Осиё территориясида, шу жумладан Урта Осиёда топилди. Чунончи, 1972 йилда атоқли олим Льюис Лики Турканга кўлининг (Кения территориясида) шарқий қирғоғида бундан икки мил-

лион саккиз юз минг йил муқаддам яшаган одамсимон махлуқнинг бош суюгини топган. 1976 йилда Эфиопия олими Алемайе Асфью Хадар тоғ этакларида (Эфиопиянинг шарқи-шимолида) шунга ўхшаш махлуқнинг тошга айланиб қолган суюкларини топди. Олимнинг фикрича, бу махлуқ бундан тахминан уч миллион йил илгари яшаган.

Энг қадимги одамнинг суюклари биринчи марта Олдовай (Олдувай) тоғида (Танзания территориясида) топилган эди. Бу одам бир миллион саккиз юз минг йил муқаддам яшаган. Урта Осиёда эса бундай қадимги одамнинг суюги Ўзбекистонда, жанубий Фарғонадаги Селунгур горида топилди. Уни ЎзССР Фанлар академияси Археология институтининг катта илмий ходими У. И. Исломов шу институтнинг бошқа ходимлари билан ҳамкорликда топган. Бу қадимги инсон бундан 700—800 минг йил муқаддам яшаган деб тахмин қилинмоқда. Антропологларнинг фикрича, бу одам палеантроп типига мансубdir.

Антропологлар бу қадимги одамсимон махлуқларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси жуда паст бўлганлигини таъкидлайдилар. Улар ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳайвонлардан кам фарқ қилганлар.

Кейинги вақтларда дастлабки даволаш усулларини биринчи марта одамсимон маймунлар топган, деган фикр пайдо бўлди. Аммо, ҳозир буни исботлаш имконияти йўқ. Шундай бўлса-да, бизгача етиб келган ҳайвонларнинг касаллик пайтида ўзини қандай тутишини кўздан кечириб, бу ҳақда маълум хуносалар чиқаришимиз мумкин.

Кўпгина илмий асарларда ҳайвонлар ҳар хил касаллик ҳолатларидан қутулиш чораларини кўра билишлари қайд қилинган. Масалан, олим Ю. Роциус танаси жароҳатланган бир ёввойи қуён ўргимчакларни йиғиб, уларни эзиб ўз жароҳатига суртганини баён этади. Маълум бўлишича, ўргимчаклар танасида қон оқишини тўх-

татувчи ва оғриқ қолдирувчи модда бўлар экан. Хина дараҳтининг пўстлоғида безгак паразитларини ўлдирувчи модда борлигини америкалик индеецлар пуманинг (ёввойи мушукнинг бир тури) хатти-ҳаракатидан билиб олганлар. Уларнинг кузатишича, безгак билан оғриган пумалар хина дараҳтининг пўстлоғини чайнаб, безгак хуружларидан қутулганлар. Ўсимликлар билан овқатланадиган ҳайвонларнинг еб бўладиган ва заҳарли ўсимликларни яхши ажратса билишлари ҳаммамизга маълум. Америкалик олима Жой Адамсоннинг ёзишича, кўпгина йиртқич ҳайвонлар ҳам табиатда шифобахш ўсимликларнинг бўлишини билар ва улардан фойдаланар эканлар. Сибирнинг туб халқлари кийикларнинг левзея деб аталадиган бутасимон ўсимликтинг илдизини туёқлари билан кавлаб олиб, еганларини кўп марта кўрганлар. Маълум бўлишича, бу ўсимликтинг илдизида организм қувватини оширувчи таъсирига эга бўлган модда бўлар экан. Мўмиёнинг шифобахш хоссалари ҳам кийиклар туфайли маълум бўлган. Урта Осиё халқлари жуда қадим замонларда ёк жароҳатланган кийиклар мўмиёни излаб топиб уни еб жароҳатлари тез тузалиб кетганлигининг гувоҳи бўлганлар. Қадимги араб манбаларида кофе доналарида организмни тетиклаштирувчи таъсири бўлган модда борлиги ёввойи эчкилар орқали маълум бўлгани ёзилади. Ёввойи эчкилар кофе доналарини еб жуда серҳаракат ва тетик бўлиб қолганлар. Биолог олим Н. Носков қўтирил касаллигига дучор бўлган отлар сабрсизлик билан шўр сувли кўлга ўзларини отганликларини ёзади. Отлар бир неча марта кўлда чўмилиб чиқсанларидан кейин қўтирил касаллигидан қутулганлар. Зоолог олим Д. Н. Каражаровнинг ёзишича, баъзи туёқли ёввойи ҳайвонлар аччиқўт ўсимлигини излаб топиб еганлигини аниқлаган. Бу ўт ичаклардаги гижжани ҳайдаб чиқарар экан. Қушларнинг эса гижжадан қутулиш учун иссон ўсимлигини ейиши маълум бўлган.

Ю. Роциус қўйидаги ҳодисани тасвирлаган: оғиз бўшлиғи қонаб турадиган яралар билан қопланган (стоматит) майда одамсимон маймун — гибbon ўрмондан қандайдир ўсимликни излаб топиб, уни хамирдек юмшоқ ҳолга келгунга қадар чайнаган. Сўнгра шу массани оғзидағи яраларга суртган. Бундан кўринадики, гибbon табиатда шифобаҳш ўсимликлар борлигини ва ундан фойдаланиш усулини ҳам топган.

Баъзи ҳайвонларнинг сезиш қобилияти одамнидан бир неча марта ортиқдир. Биз маҳсус ўргатилган итларнинг сезилар-сезилмас ҳид қолдирган жиноятчини излаб топишини яхши биламиз. Баъзи капалакларнинг ёркаги ургочи капалаклар қолдирган (гул ва мева баргларида) ҳидни 7—8 километр масофадан сезади. Маймунларнинг кўриш ва эшитиш қобилияти одамларнидан анча юқори. Шулардан кўринадики, айрим ҳайвонлар ҳар хил ўсимликларнинг хоссаларини пайқашда одамлардан қолишмас эканлар.

Ҳайвонларнинг баъзи моддаларни уларнинг организмида шу моддаларга нисбатан талаб пайдо бўлган-дагина истеъмол қилиши маълум. Масалан, уй ҳайвонлари (сигир, қўй) нинг организмида калий ва натрий тузлари етишмаса, улар шўрҳок деворни ялайдилар. Чорвадорларнинг кузатишича, ҳайвонлар таркибида гугурт, темир элементлари ва кўмир кислота гази сақлаган кўл сувларини кўпроқ хуш кўрар эканлар. Физиологлар бу ҳодисани илмий жиҳатдан қўйидагича изохлайдилар: барча орган ва системаларнинг ҳаёт фаолиятлари экстро-ва интерорецепторлар орқали тартибга солиниб ва назорат қилиб турилади. Бу рецепторлар бутун организмни қоплаб олган. Улар ичida организминг механик жароҳатланганинги қайд қилувчи ва бу ҳақда хабар берувчи механорецепторлар, меъдага тушган овқат ёки бошқа нарсани (масалан, заҳарли моддани) қустурувчи ва бу ҳақда хабар берувчи интерорецепторлар, ички органларнинг бирортасида касал-

лик аломатлари пайдо бўлганда уларни қайд қилувчи ва бу ҳақда марказий нерв системасига хабар берувчи маҳсус рецепторлар бўлади.

Айтайлик, ҳайвон механик шикастланишга учради. Шунда дарҳол механорецепторлар ишга тушади ва ҳайвон шу шикастланиш оқибатларидан қутулишга интилади. Агар ҳайвон бирор заҳарли ўсимликни еб қўйиб заҳарланса, меъдадаги интерорецепторлар сигнали билан меъдадан шу заҳарли ўсимликни чиқариб ташлашга интилади. Ю. Роциус қўйидаги ҳодисани баён қиласди: қопқонга тушиб қолган бир йиртқич ҳайвон зўр оғриққа қарамай, қопқонга илиниб қолган ўз панжасини ғажиб ташлайди ва шу тариқа қопқондан қутулади. Бу ўринда ҳаётни сақлаб қолиш инстинкт оғриқдан, қўрқиши сезгисидан устунлик қилгани кўриниб турибди.

Шуниси қизиқки, баъзи ҳайвонларда озодаликка интилиш рефлекси ривожланган. Биологлар бўрсиқлар, ёнтулар, қундузлар, олмахонлар, кўпгина қушлар, асалариilar ва ҳатто чумолилар ҳам ўз инларини тоза сақлашга интилишини кузатишган. Масалан, янги очиб чиқсан қуш болалари ўз инини ифлослантиrsa, она қуш уни тумшуғи билан итариб чиқариб ташлаб, ўз «хона» сини тозалайди. Озодаликка интилиш айниқса бўрсиқ ва қундузларда яхши ривожланган. Масалан, бўрсиқлар ўз яшаш жойларидан 5—6 метр нарироқда ўзлари учун «санузел» (чукӯрча) кавладидилар. Бу чукӯрча тўлгандай сўнг уни кўмиб ташлаб, янгисини кавладидилар. Асалариларнинг ўз инларини жуда озода тутишлари ҳаммамизга маълум. Япониянинг шарқий оролларида макако турига мансуб жуда ҳам озода маймунлар яшар экан. Улар, берилган кўкатларни ювиб, сўнгра ер экан. Бундан ташқари, улар кичик кўлларда доимо чўмилиб турар, ҳатто қишида ҳам чўмилишар, бунинг учун иссиқ булоқ сувидан фойдаланишар экан.

Баъзи ҳайвонлар ўзларининг ўлган яқинларини ерга

кўмар эканлар. Филларнинг ўлган филни ерга кўмгандари матбуотда ёзилган. Биологларнинг фикрича, ҳайвонларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган одатлари наслий характерга эга бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтади.

Ҳайвонларда ўзаро ёрдам бериш одати ҳам бор. Масалан, Ю. Роциуснинг ёзишича, маймун, дельфин ва китларнинг урғочилари туғаётган яқинларига доя сифатида ёрдам берарканлар. Масалан, туғилган «чақалоқ» нинг киндингини тишлаб узар эканлар. Табиатшунос С. Антипин қўйидаги қизиқ ҳодисани ҳикоя қиласди: бир она ит ўзининг музлаб қолган б нафар болаларини ўн икки соат давомида ялайвериб уларни тирилтирган. Биолог Н. Носков бу ҳодисани қўйидагича изоҳлайди: кўп ҳайвонларнинг болалари туғилганидан сўнг бир неча кун ичida ўз тана ҳароратини идора қилиш қобилиятига эга бўлмайди. Агар улар совуқ (қиши фаслида) очиқ ҳавода қолсалар, тана ҳарорати нуль (0) даражагача тушиб қолиши мумкин. Бунда улар музлаб қолиб, маҳсус чора-тадбирлар кўрилгандан кейингина уларни қайта тирилтириш мумкин. С. Антипин баён қилган ҳодиса шулардан биридир. Бу ўринда она ит болаларига «сунъий нафас олдириш усулини» қўллаган. Қўпгина ҳайвонлар ўз таналарига тасодифан қадалиб кириб қолган нарсаларни тишлаб тортиб олиб ташлайдилар. Чумолилар бирортасининг оёғи шикастланиб осилиб қолса, уни тишлаб узиб ташлар эканлар. Бу билан улар оёғи шикастланган чумолини оғриқ азобидан қутқаришини «ўйласалар» керак. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аксарият олимлар ҳайвон, парранда ва ҳашаротларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларини соғ инстинкт ҳодиса дейдилар. Аммо, бу ҳодисаларга чуқурроқ ёндошилса, ўша инстинкт жараёнида қандайдир фаҳм-идрок замини борлиги сезилади, чунки бунда ҳайвонларнинг фаолиятида қандайдир мақсад бор. Бу

борада ҳайвонлар ва қушлар ҳаётидан жуда ёрқин мисолларни келтириш мумкин. Масалан, кишилар баъзи қушлар тошбақа ёки бошқа чиганоқли ҳайвонларни осмонга кўтариб, тошга ташлаб чиганогини синдиргани, сўнгра уни еганини кўп кўрганлар. Қарғанинг ёнғоқ мағизини чиқариб олиб ейшини жуда ҳам «оқилона ҳаракат» дейиш мумкин. Қарға ёнғоқни ерга кўмади ва у маълум вақтдан сўнг ўса бошлаб, қобиғи ёрилгандан сўнг уни кавлаб олиб ичидаги мағизини ейди.

Ҳайвонларнинг «оқилона ҳаракатлари» ва баъзан жуда ҳам топқирликлари «Жонли планета» номли кўп серияли инглиз ҳужжатли фильмидан яққол кўрсатилган. Ўнда жуда кўп далиллар мисолида ҳайвонлар ўз ҳаётларини сақлаб қолиш ўйлида қанчалик «оқилона» тадбирлар қўллаганликлари ишонарли қилиб баён қилинган. Масалан, фильмнинг бир жойида шундай лавҳа бор: бир суюкхўр ёввойи қуш қандайдир ҳайвоннинг сон сугини, у катта бўлганлиги сабабли, юта олмайди. Шунда қуш суюкни бир неча марта осмонга кўтариб катта қоя тош устига ташлайверади. Ниҳоят, суяк тошга тегиб майдаланиб кетгандан сўнг қуш бу парчаларни бирин-кетин ютиб юборади.

Топқирлик ва «ақлли ҳаракатлар» бобида одамсимон маймунлар алоҳида ўрин эгаллайди. Булар ҳаётни сақлаб қолишига қаратилган фаолиятларида бошқа барча ҳайвонларга нисбатан идроклироқ ҳисобланади. Одамсимон маймунлар муолажа усулларини қўллашда ҳам бошқа ҳайвонларга нисбатан «ақллироқ» иш кўрганлар.

Биз юқорида гибоннинг шифобахш ўсимликдан «малҳам» тайёрлаганини ҳикоя қилган эдик. Гибон (*Huwavatus*) майдан одамсимон маймунлар типига киради. Шунинг учун у ўз гавда тузилиши ва хатти-ҳаракати жиҳатидан одамдан анча фарқ қиласди. Инсонга юксакроқ даражада ривожланган бошқа маймунлар яқин туради. Булар орангутан (*Simia satyrus*), горилла

(*Gorilla*) ва шимпанзе (*Anthropopithecus*) дир. Бу приматлар ўз фаолиятларида гиббонга нисбатан анча идроклироқдиirlар. Бу маймунларда одамларга анча яқинроқ хусусиятлар кўзга ташланади. Масалан, одамсимон маймунлардан шу типларининг олдинги оёқлари (қўллари) жуда яхши ривожланган. Олдинги оёқлари юришга нисбатан бир нарсани ушлашга кўпроқ мослашган. Бош бармоғи одамники сингари бошқа бармоқларга қарама-қарши жойлашган. Юзи ва қулоқ чиғаноқларида тук (жун) бўлмайди. Қулоқлари одамниига ўхшайди. Мимик (юз) мускуллари яхши ривожланган. Тищлари одамники сингари тузилган, сони ҳам 32 та.

Одамсимон маймунларнинг мияси, одамники каби, икки яримшардан иборат. Унинг сатҳи жуда кўп бурмалар ва эгатлардан ташкил топган. Миясининг тагида кичик мия жойлашган. Миясининг ҳажми анчагина катта. Одамсимон маймунларнинг қони ҳам одамларнидек 4 группага бўлинади. Бу маймунлар асосан ўсимликлар билан овқатланадилар, баъзан эса майда ҳайвонлар ва ҳашаротларни ҳам ов қиласидилар.

Одамсимон маймунларни одамларга яқин қилувчи яна бир хусусияти шуки, уларда одамларда бўладиган касалликларнинг деярли барчаси учрайди. Масалан, сут эмизувчиларда учрайдиган 25 тур оддий паразит микроорганизмлардан 18 таси шу маймунлarda ҳам, одамларда ҳам учрайди. Одамсимон маймунлар аппендицит касаллиги билан ҳам оғришлари мумкин, чунки уларда ҳам, одамлардагидек чувалчангисимон ўсимта бўлади. Бу маймунлар, одамлар каби меъда-ичак ва ўпка касалликлари билан ҳам оғрийдилар.

Одамсимон маймунларнинг айрим турлари ўз жисмоний ва интеллектуал ривожланиши жиҳатидан турли босқичда бўлади. Шунга кўра уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам, фаолиятлари ҳам турлича.

Ўз ривожланиш даражасига кўра орангутан гиббондан сўнгги босқичда туради. Бўйи 130—150 см, оғирлиги

100—150 кг, юзи туксиз, кенг, қулоқлари кичикдир. Қўллари жуда узун, қулоқ ёйганда уч метргача етади. Панжалари кенг ва узун. Бош бармоқлари бошқа бармоқларига қарши жойлашган, яъни у ушлашга мослашган. Орангутанлар умрининг кўп қисмини дараҳт устида ўтказадилар. Шунинг учун уларнинг узун қўли дараҳт учларидаги ва майда новдалардаги меваларни олиб ейиш учун мослашган. Орангутанларнинг оёқлари нисбатан қисқадир. Лекин оёқ бармоқлари узун.

Орангутаннинг боши анча катта, ҳажми 400—500 см<sup>3</sup> келади. Ўз интеллектуал ривожланишига кўра орангутанлар гиббонлардан анча юқори турадилар. Бинобарин, буларнинг хатти-ҳаракатлари анчагина идрокли. Аммо, орангутанлар ўз тана тузилишлари ва интеллектлари жиҳатидан одамлардан анча узоқ турадилар. Орангутанга нисбатан одамларга яқинроқ турадиган маймун горилладир (*Gorilla*). Одамсимон маймунлар туркуми ичida энг иириги горилладир. Буларнинг бўйи 175 см га етади, оғирлиги 135—180 кг. Қўллари қучоқ очганда 260 см га етади. Горилланинг боши катта, қош усти қирраси кучли бўртиб туради. Танаси катта. Мия тузилиши одамниига ўхшаш бўлади.

Гориллалар кўпроқ ерда яшайдилар. Шунга кўра уларнинг гавда тузилиши одамниига анча яқинлашган, айниқса қўл-оёқ мускуллари одамларниига ўхшаш тузилган. Горилла ўз ҳаракати ва интеллекти жиҳатидан олдинги икки тип маймунга нисбатан идроклироқди.

Одамсимон маймунлар ичida одамга энг яқини шимпанзе (*anthropopithecus*) дир. Кўлчилик антропологлар одам айнан шу шимпанзедан келиб чиққан деган фикрдалар. Бу масалада бошқача фикр ҳам мавжуд. Чунончи, баъзи олимлар одамлар одамсимон маймундан эмас, балки маҳсус маймунсимон маҳлуқдан (антропоиддан) келиб чиққан деган фикрдалар. Ибтидоий одамларнинг

маймунга ўхшашлиги масаласига келсак улар маймун билан одамнинг келиб чиқиши бир илдиздандир деб тушунирадилар, яъни шу илдизнинг бир шохидан маймунлар, иккинчи шохидан одамлар пайдо бўлган дейдилар.

Шимпанзенинг тана тузилиши айниқса одамнигига яқин. Маймуннинг бўйи 150—160 см, оғирлиги 45—80 кг, қўллари узун, оёқлари калтароқ, аммо жуда кучли. Бу маймуннинг оёқ-қўллари айниқса одамнигига ўхшайди. Панжа бармоқлари узун, лекин нозик тузилган. Бош бармоқлари қисқароқ, улар бошқа бармоқларга қарама-қарши жойлашган. Қўл ва оёқ панжаларининг ички томонида туклар бўлмайди. Кулоқлари катта.

Шимпанзенинг боши ва миясининг ҳажми катта, мия жўяклари ва бурмалари яхши ривожланган. Биологларнинг таъкидлашича, шимпанзенинг сперматозидлари ва тухум ҳужайралари одамнигидан фарқ қилмайди. Бу маймунларда ҳомиладорлик муддати одамнигига яқин (210—252 кун), одамда эса 265—280 кун. Шимпанзеда ҳам одам боласиники сингари охирги суттиши бир ёшида чиқади.


Шимпанзе ҳам ерда, ҳам дараҳтда умр кўради. Кўпроқ орқа оёқда юради. Асосан ўсимликлар билан овқатланади. Шимпанзенинг интеллекти бошқа ҳамма одамсimon маймунларнигидан анча юқори ривожланган. Бу маймунни кўп нарсага ўргатиш мумкин. Бу унинг идроки анча юқори туришини кўрсатади. Шимпанзенинг мимикаси жуда ривожланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шимпанзелар ўзаро муносабатда ўттизга яқин турли товушларни ишлатадилар. Улар биргалашиб ишлаш одатига ҳам эгадирлар. Академик Н. Л. Кулагиннинг таъкидлашича, шимпанзелар анчагина ақлий қобилиятига эга. Бинобарин, шимпанзелар ҳаётни сақлаб қолишига қаратилган хатти-ҳаракатла-

рида бошқа одамсimon маймунларга нисбатан ақллироқ иш кўрадилар.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, кўпгина ҳайвонлар, биринчи галда маймунлар, айниқса одамсimon маймунлар ўзларига ва яқинларига «тиббий» ёрдам бериш қобилиятига эга бўлганлар. Бироқ, биз бу маймунларнинг қандай усуллардан фойдалангани ва қандай шифобахш ўсимликларни ишлатганини билмаймиз. Шунга қарамай, Ю. Роциуснинг гиббоннинг хатти-ҳаракати ҳақидаги маълумотларига асосланиб, улар анча ақлли усулларни қўллаганлар дейиш мумкин. Аммо, маймунларнинг даво усуллари жуда ҳам оддий (примитив) бўлган. Улар ўзларига ва ўз яқинларига қуролсиз «оддий қўл» билан қандай ёрдам кўрсатиш мумкин бўлса, шундай ёрдам кўрсата олганлар, чунки маймунлар қурол ишлатмаганлар. Масалан, улар организмдан ҳар хил ёт нарсалар (зирапча, чўп-шохлар)ни чиқариб ола билганлар, туғилган боланинг киндингини тишлиб узганлар, жароҳатланган жойни ялаб қон оқишини тўхтатганлар, ва ниҳоят, баъзи шифобахш ўсимликлардан фойдаланган бўлишлари мумкин. Ҳайвонлар ва одамсimon маймунлар шифобахш ўсимликларни олдиндан билиб қидирмаганлар. Уларда шу ҳақда ҳеч қандай тушунча бўлмаган. Улар овқат қидирганлар ва шу йўлда кўп ўсимликларни еб кўриб, улар ичиде шифобахш ва заҳарлilari борлигига дуч келганлар. Шу тариқа улар табиатда еб бўлмайдиган, шифобахш ва заҳарли ўсимликлар бўлишини билиб олганлар. Бундай «тажриба» узоқ вақт давом этган. Бу ҳақда Ф. Энгельс бундай деб ёзган эди: «Бизнинг одамсimon ажододларимиз... табиатда доимо янги, илгари маълум бўлмаган ҳусусиятларни кашф эта бордилар»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, шифобахш ўсимликлардан фойдаланишини одамсimon маймунлар бошлаб берган. Яшаш

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 1961, 20-том, 488—489-6.



учун кураш, ҳаётни сақлаб қолишга қаратилган янги-дан-янги ҳар хил усуллар одамсимон маймунлар ривожланиш жараёнининг ҳамма босқичларида давом этди.

Ривожланишнинг маълум босқичида одамсимон маймунларда одамларга хос белгилар пайдо бўла бошлаган. Бу жараён жуда ҳам секинлик билан бориб, миллион йиллар давом этди.

Одамсимон маймунларнинг ўтиш жараёнида уларнинг орқа оёқда юра бошлашлари ва қўлларининг эркин қолиши муҳим роль ўйнади. Қандай сабабларга кўра ва қандай қилиб маймунлар дарахтда яшашдан ерга тушдилар ва орқа оёқларида юра бошладилар. Бу масалани машҳур француз табиатшунос олими ва файласуфи Жан Ламарк бундай изоҳлайди: «Қачонлардир ер юзида ўрмонлар камайиб кетган, шунга кўра маймунлар ўзларининг дарахтда яшаш тарзларини ўзгартириб ерда яшай бошлаганлар ва орқа оёқда юришга ўтганлар». Эҳтимол, ўрмонларнинг камайиб кетиши бунда қандайдир роль ўйнагандир. Лекин, бизнинг фикримизча, бу ерда масала бошқа нарсада. Маймунлар дарахтда яшар эканлар, улар ҳамма вақт тўқ ҳаёт кечирмаганлар. Дарахт меваларини истеъмол қилишда маймунларнинг рақобатчилари (қўшлар, дарахтда яшайдиган бошқа ҳайвонлар) жуда кўп эди. Маймунлар ерга тушиб жуда ҳам мўл озиқ-овқат запасларига (ўсимликлар, уларнинг илдизлари, мевалари ва ҳ. к.) дуч келдилар. Бундан ташқари, маймунлар майдага ҳайвонлар ва ҳашаротларни овлаш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Шу тариқа улар ерга ўрнашиб олдилар.

Маймунлар ерга тушганларидан сўнг аста-секинтик юришга ўргана бошладилар. Буни мутахассислар қўйидаги изоҳлайдилар: маймунлар ерда яшай бошлаганларидан сўнг уларнинг қўллари дарахт шохларини ушлаб у дарахтдан бу дарахтга ўтиш вазифалари-

даи бўшайди ва улар қўлларидан бошқа мақсадларда фойдалана бошладилар. Масалан, тош ёки таёқни ушлаш ва улар ёрдамида ер остидан озиқ ковлаб олиш.

Шу вақтга келиб, одамсимон маймунларда айрим сўз бўлакларидан иборат тил пайдо бўлди. Бу уларда интеллект ривожланишининг маҳсулидир. Ч. Дарвин, бизнинг қадимги ажоддларимиз ўзларининг идрок қилиш қобилиятларига кўра қурол тайёрлаш ва сўздан фойдаланишини ўрганиб олдилар ва шу йўл билан улар табиатга ҳоким бўлиб қолдилар, деб ёзган эди.

Тик юришга ўтиш натижасида одамсимон маймунларда биринчи бўлиб оёқларининг тузилиши ва умуртқа пофонасида ўзгариш юз берди. Сўнгра бош миянинг ривожланиши натижасида бош суякнинг шакли ва ҳажми ўзгарди. Бу уларда идрок ва ақлий қобилиятнинг ривожланишига олиб келди.

Одамсимон маймунларнинг ерга тушиб яшай бошлаши яна бир муҳим натижага олиб келди. Улар ердаги ўсимликлар, уларнинг илдизлари ва мевалари билан овқатланиб юриб, еса бўладиган ва шифобахш ўсимликларни кўпроқ топдилар.

Кўпчилик археологлар ва тарихчиларнинг фикрича, биринчи тик юрувчи одамсимон маҳлуқ австралопитек бўлган. Уларнинг суяклари дастлаб Калаҳари саҳросида (Жанубий Африка териториясида) 1924 йилда топилган эди. Австралопитеклар бундан икки миллион олти юз минг йил муқаддам яшаганлар. Буларнинг тана тузилиши одамларнига жуда яқин. Бош мияси ҳам одамларники каби, ҳажми  $500-600 \text{ см}^3$ . Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, австралопитеклар ишлов берилмаган оддий тош, таёқ ва ҳайвонлар суякларидан фойдаланганлар. Масалан, тош ёки таёқнинг учли томони билан ерни кавлаб, у ердан ўсимликларнинг илдизлари, ер ости ҳосиллари, майдага ҳайвонлар ва ҳашаротларни чиқариб олиб еганлар. Австралопитеклар оддий тошнинг қиррали томони билан янги туғилган чақалоқ-

нинг киндингини кессанлар деган фикр ҳам бор. Аммо, кўпинча киндикни икки тош ўртасида эзиб, мажақлаб узганлар. Тош австралопитеклар учун асосан ҳимоя қуроли ролини ўйнаган. Улар катта-катта тошларни ўзларнига ҳужум қилаётган ёвойи ҳайвонларга отиб, ўзларни ҳимоя қилганилар. Баъзан эса шу ёвойи ҳайвонларни шу тош билан уриб ўлдирганлар. Бунда ёвойи ҳайвонлар уларга ўлжа бўлган. Шундай қилиб, тош австралопитеклар учун ҳужум қуроли ролини ҳам бажарган.

Астралопитеклар қурол ясашни билмаганлар. Оддий тош ва таёқ билан бирор муолажа қилиш мумкин эмас, албатта. Шу сабабли австралопитекларнинг даво усуллари оддий одамсимон маймунларнидан учалик фарқ қилмаган.

Одамсимон маймунлар ва одамлар ўртасида австралопитеклардан ташқари, питекантроплар ва синантроплар туради. Тик юрувчи питекантропнинг суюклари биринчи марта 1889 йилда Ява оролида топилган эди.

Археологларнинг фикрича, питекантроплар бундан таҳминан 900—700 минг йил мұқаддам яшаганлар.

Питекантроп одамга анча яқинидir. У *homo erectus* (тиланган одам) составига киради. Питекантропнинг энг характерлы органи миясиdir. Унинг ҳажми 900 см<sup>3</sup> га teng. Мутахассисларнинг фикрича, питекантроплар австралопитекларга нисбатан ҳар хил қуролдан (тош, таёқ, суюк ва ҳ. к.) кенгроқ фойдаланганлар. Баъзи олимларнинг фикрича, питекантроплар қурол ясашни билганлар. Масалан, улар тош пичноқ ва тош болта ясаган ва ишлатган бўлсалар керак, деган фикр бор. Бу ҳолда улар шу қуроллардан баъзи бир оддий муолажалар учун фойдаланган бўлишлари мумкин. Масалан, тош пичноқ билан чақалоқ киндингини кесиш.

Питекантроплар оловдан фойдаланишни билмаганлар. Демак, улар хом гўшт ва ўсимликларни истеъмол қилганилар. Бу эса уларни шу маҳсулотлардан даво

мақсадида фойдаланиш имконини анча чеклаб қўйган. Лекин шундай бўлса ҳам меҳнат қуролидан (гарчи у такомиллашмаган бўлса ҳам) фойдаланиш улар учун биринчи ютуқ бўлди. Улар шу қуроллардан биринчи муолажа ишларини бажарган бўлишлари мумкин. Шунга асосланиб, тиббиёт питекантроплардан бошланган дейиш мумкин.

Одамсимон махлуқнинг ривожланишида навбатдаги босқич синантропдир. Бундай махлуқнинг суюги биринчи марта 1928 йилда Хитой территориясида Бейпин (Пекин)га яқин жойдаги Коцтанг ғоридан топилган. Синантроплар бундан 300—200 минг йил илгари яшаганлар.

Синантроплар одамга яна ҳам яқинроқ маҳлуқлардир. Ўз гавда тузилиши ва интеллекти жиҳатидан синантроплар питекантроплардан анчагина фарқ қиласидилар. Чунончи, синантропнинг боши питекантропникига нисбатан сезиларли даражада каттароқ. Ҳажми 1040 см<sup>3</sup>. Археологларнинг таъкидлашича, синантроплар тош ва суюкларга яхши ишлов бериш ва улардан кесувчи ўткир буюмлар тайёрлашни билганлар. М. Ф. Неструх синантроплар ҳайвонлар бошининг гүштини еб бўлганларидан сўнг ундан сув идиши сифатида фойдаланганлар деб ёzádi. Шундай қилиб, синантроплар ҳаётни сақлаб қолиш учун кураш соҳасида ўзидан олдинги одамсимон махлуқлардан яна бир қадам олдинга босдилар.

Сўнгги вақтларда питекантроп билан синантроп ўртасида махлуқлар бўлган, деган фикр пайдо бўлди. Чунончи, олимлар, биз юқорида айтиб ўтганимиз сельунгур одамини шу оралиқ звенога мансуб дейдилар. Модомики, сельунгур одами питекантропдан сўнгги ривожланиш даврида экан, унинг муолажа усуллари ҳам питекантропникига нисбатан кўпроқ такомиллашган бўлиши керак.

Ўз ривожланиши даражаси бўйича одамсимон май-

мунлар билан одамлар ўртасида турувчи махлуқларга яна атлантроплар, гейдельберг одамлари ва олдувайлар киради. Буларни умумлаштириб архантроплар деб аташган. Архантропларнинг ҳар бири турли даврларда яшаганлар. Бу даврлар 2 миллион йилдан бошланиб 200 минг йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Архантроплар антропогенез жараёнларининг дастлабки босқичида яшаганлар. Улардан ҳозирги замон одамлари *Homo Sapiens* келиб чиқсан.

Архантроплар ичидаги одамлари алоҳида ўрин тутадилар. Уларга *Homo nobilis* (уқувли одамлар) деб ном берилган. Бундай одамларнинг сүяклари биринчи марта Африка қитъасида (Танзанияда) топилганини кўрсатиб ўтган эдик. Уша ерда шу олдувайлар ишлов берган қуроллар (тош, пичноқ, тош болта, сүяк қуроллар ва ҳ. к.) ҳам топилган. Бундан ташқари, тошларни тўплаб барпо этилган кулба (уйча) ҳам топилган. Демак, олдувайлар ўзлари учун яшаш маскани ясашни ҳам билганлар.

Олдувайлар бемалол тик юра олганлар. Улар ўз интеллектлари жиҳатидан ҳам бошқа архантроплардан анча юқори турғанлар. Буни уларнинг анча катта ҳажмали ва такомиллашган бош мияларидан билса бўлади.

Олдувайларнинг энг характерли хусусиятлари шундан иборатки, улар ҳайвонлар оламидан одамга ўтиш чегарасини босиб ўтганлар. Бинобарин, олдувайларнинг ҳаёти ва фаолияти *homo sapiens*, яъни ақлли одамни кига жуда ҳам яқинидир.

Олдувайларнинг ҳаётни сақлаб қолишга қаратилган фаолиятлари анча такомиллашган эди. Масалан, одамсимон маймунлар муолажада фақат оддий (қуролсиз) қўй билан амалга оширилиши мумкин бўлган ишни қила олган бўлсалар, олдувайлар бунинг учун қурол ишлатганлар. Чунончи, одамсимон маймун янги туғилган боланинг киндингини тишлиб узган бўлса, олдувайлар уни тош пичноқ билан кесганлар. Улар тош пичноқдан

бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланган бўлишлари мумкин. Масалан, қаттиқ жароҳатланиб осилиб қолган қўй ёки оёқни кесиб ташлаш учун (чўмолини эсланг). Бу даврга келиб олдувайлар шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланган бўлишлари керак.

Антропогенез процессининг охирги босқичи палеоантроплардир. Булар тахминан 80—60 минг йил муқаддам яшаганлар. Палеоантроплар пастки ва юқори типларга бўлинади. Биз учун юқори типдаги палеоантроплар муҳим. Юқори палеоантропларнинг характерли томони шундан иборатки, улар кўп хусусиятлари билан ҳозирги замон одамларига ўхшайдилар (архантропларда кўпроқ маймунлик хусусиятлари сақланиб қолган эди).

Юқори палеоантропларнинг қуроллари анчагина та-комиллашганлиги билан фарқ қиласи. Лекин, асосий қурол тош, сүяк ва таёқдан иборат эди. Бу материаллардан палеоантроплар анча такомиллашган кесувчи қуроллар ишлай олганлар.

Палеоантроплар ривожланишда давом этиб, мезантроп босқичи орқали неантроп даврига ўтдилар. Булар эса ҳақиқий одамлар (*homo sapiens*) дир.

Шуни қайд қилиш зарурки, қадимги Шарқ олимлари ҳам маймун билан одамнинг келиб чиқишида умумийлик борлигини кўрсатиб ўтганлар. Масалан, ўрта осиёлик машҳур олим ва адаб Низомий Арузий ибн Умар ас-Самарқандий (XII асрда яшаган) ўзининг «Нодир тўплам» («Мажмуа ан-наводир») асарида (бу асар «Чаҳор мақола» деб ҳам юритилади) бутун ҳайвонот олами олий ва қуий типларга бўлинади, маймунлар ва одамлар олий типга кирадилар, деб ёзади. Ўрта Осиё халқларининг ривоятларида ёввойи одам ҳақида ҳам сўзланиши бежиз эмас. Бинобарин, қадимги одамлар маймун билан одам ўртасида қандайдир оралиқ ҳалқа борлигини эътироф этганлар. Аммо ёввойи одам дегандага нима кўзда тутилгани аниқ эмас.

Тиббиёт кишилар анча такомиллашган қуролларни ясаш ва улардан фойдаланиши билиб олганларидан сўнг пайдо бўлган. Тош, таёқ ва суяқдан эса такомиллашган қурол ясаш мумкин эмас. Бинобарин, тош даврининг ҳамма босқичларида тиббиёт шакллана олмаган. У давр тиббиётнинг шаклланиши жараённида тайёргарлик даври эди дейиш мумкин. Аммо, ҳар ҳолда тиббиётга дастлабки қадам қўйилган эди. Анча примитив бўлса ҳам биринчи муолажа усувлари ишлаб чиқилган эди.

Шундай қилиб, муолажа табиатнинг ўзида, ҳайвонлар ўртасида бўлган, кейин эса одамларга ўтган. Йирик физиолог олим А. Меделяновский бу ҳақда шундай деб ёзади: «Ўз соғлифи ва ўз яқинлари соғлигини сақлаш, уни тиклашга интилиш инсонлар тиббиёти шаклланишидан анча олдин пайдо бўлган эди»<sup>1</sup>.

## МЕДИЦИННИНГ КАСБ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

Биз юқорида баъзи бир муолажа усувлари одамсимон маймунлар томонидан ишлаб чиқилганлигини кўрдик. Шунга қарамай, биз тиббиётнинг шаклланиши одамсимон маймунлардан бошланган дея олмаймиз. Одамсимон маймунларнинг бу борадаги фаолияти маълум даражада «ақлли» бўлса ҳам, бу фаолият онгли ва мақсадга мувофиқ қилинган иш эмас эди. Биз тиббиётнинг шаклланиши кишилар даво усувлари ва шифобахш ўсимликларни онгли ва маълум мақсадга мувофиқ қўлланган даврдан бошланган деган фикрдамиз. Бунда қуролдан фойдаланиш ҳал қилувчи ролни ўйнаган.

Маълумки, ибтидоий одамлар биринчи марта тошдан ясалган қуроллардан фойдаланишган. Дастрлаб ишлов

<sup>1</sup> А. Меделяновский, Ю. Роциуснинг «Протоэскулапи» мақоласига шарҳлар, «Наука молодежи» журнали, 1987, № 9, 32-б.

берилмаган оддий тошлардан фойдаланганлар. Сўнгра уларга ишлов бериб маълум қурол шаклига келтирсанлар. Шу даврдан бошлаб қадимги одамлар ўз фаолиятларида онгли равишда иш кўра бошладилар дейиш мумкин. Тиббиётнинг шаклланиш тарихини ҳам шу даврдан бошлаш тўғрироқдир.

Бизнинг ўтмиш аждодларимиз тош пичноқ ёрдамида баъзи муолажа усувларини амалга ошира бошлаганлар: масалан, улар тош пичноқ билан бирор органда (масалан, тери остида) йиғилиб қолган йирингни кесиб чиқариб юборганлар. Бу ҳақда Е. Подольский (E. Podolski) ва Л. Беллони (L. Belloni) бундай деб ёзадилар: «Бу қуроллар дастлаб тананинг ташқи сатҳида пайдо бўлган йирингли жойни тилиб йирингни чиқариб юбориши учун фойдаланилди. Бу эса касалларни оғриқдан халос қилиб, уларга енгиллик берди. Бундай фикр йиринг йиғилган жой пишиб ўзи ёрилиши ва йиринг чиқиб кетиб, касалнинг аҳволи енгиллашганини кўздан кечириш натижасида пайдо бўлган». Биз юқорида тош пичноқ янги туғилган чақалоқнинг киндигини кесиш учун ишлатилганлигини айтган эдик. Тош пичноқ мажақланиб кетган қўл ёки оёқни кесиб ташлаш учун ҳам қўлланган бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра ўғил болани ҳатна қилишда ҳам дастлаб тош пичноқдан фойдаланганлар. «Инжил»да шунга доир маълумотлар бор. Буларнинг ҳаммаси тиббиётнинг шаклланиши ўйлидаги биринчи қадамлар эди.

Инсоният жамиятида тиббиётнинг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Улар асосан иккى йўналишга бўлинади: 1. Диний-мистик назария. 2. Илмий материалистик назария.

Диний-мистик назария тарафдорлари тиббиёт дастлаб ибодатхоналарда пайдо бўлган ва биринчи табиблар қоҳинлар бўлган, деган фикрни олдинга сурадилар. Гўё коҳинлар ва бошқа дин аҳллари инсонпарварлик мақсадларида bemorларни даволай бошлаган эмишлар.

Аммо, бундай ривоят ҳақиқатга түгри келмайди. Чунки тибиёт, яъни даволаш усуллари ер юзида ҳали ҳеч қандай дин бўлмаганда ҳам мавжуд эди. Тўғри, қадимги ибодатхоналарда баъзан касалларни даволаш учун кичик-кичик bemорхоналар ташкил қилинган эди. Лекин, улар анча кейин пайдо бўлган.

Илмий-материалистик назарияга асосан тибиёт инсоният жамияти тараққиётининг энг дастлабки босқичида, зарурат туфайли, яшаш учун кураш жараёнида келиб чиқкан.

Бу икки назариядан ташқари, бу ҳақда яна бир ривоят ҳам бор. Эмишки, қадимги замон одамлари жуда ҳам соғлом бўлганлар, улар ҳеч нарсага муҳтож бўлмай жуда фаровон яшаганлар, табиат уларни ҳамма керакли нарсалар билан тўлиқ таъмин этган, шунинг учун улар ҳеч қандай касал билан оғримаганлар ва даволанишга ҳам муҳтожлик сезмаганлар. Шу сабабли у вақтда тибиёт ҳам бўлмаган (бу даврни «олтин давр» деб аташади), тибиёт эса анча кейин инсон цивилизацияси маҳсули сифатида пайдо бўлган эмиш. Бу асосиз ривояти В. И. Ленин ўз вақтида фош қилиб шундай деб ёзган эди: «Ибтидой одам ўзи учун керак бўлган нарсани табиатнинг инъоми сифатида керагича олганлиги бемаъни уйдирмадир. Ўтмишда ҳеч қандай олтии давр бўлган эмас ва ибтидой одам ҳаёт қийинчиллари ва табиат кучлари билан курашнинг оғирлигидан эзилиб яшар эди»<sup>1</sup>.

Ибтидой жамоа одамларининг нақадар қийин аҳволда яшаганликларини инглиз табиатшуноси Д. Эттенборро Австралияaborигенлари мисолида яққол кўрсатиб берди (буaborигенлар ўз ривожланиш даражалари билан ибтидой жамоа одамларига тенг келадилар). Буaborигенлар на турар жой, на кийим-кечак, на овқат запасларига эга бўлмай, Австралияning марказий

саҳроларида жазирама қўёш остида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрар эканлар. Аборигенларнинг аҳволи шу қадар ачинарли бўлганки, улар ҳатто чумолилар билан тамадди қилганлар.

Кўпчилик тибиёт тарихчилари тибиёт ибтидой жамоа даврининг матриархат босқичида келиб чиқсан ва биринчи табиблар аёллар бўлган, деган фикрдалар. Дарҳақиқат, инсоният тарихида шундай давр бўлган. Матриархат босқичининг ибтидой жамоа даврининг бир босқичи эканлиги ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб швейцариялик олим Иоган Яков Баҳофен кўрсатиб берган эди. Бу фикрни америкалик олим Льюис Генри Морган ҳам қувватлаган. Инсоният ривожланиши тарихида матриархат босқичи босиб ўтилганлиги Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли классик асарида узил-кесил исботлаб берилди.

Тарихдан маълумки, ибтидой жамоа даврида, аниқроғи унинг матриархат босқичида, оила ва қабилада аёллар етакчи ўрин эгаллаганлар. Аёлнинг бу тутган ўрни уни ўз оиласи ва қабиласининг ҳаёти ва саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилишни тақозо этарди. Шу сабабли аёл ҳақиқатан ҳам ўзининг касал ёки жароҳатланган оила аъзоларини даволаш билан шуғулланган. Эркаклар кўпроқ ов ишлари билан банд бўлганлар. Аёллар ўз маконлари ёнида қолиб, ҳар хил емишли ўсимликлар, уларнинг илдизлари ва меваларини териш билан шуғулланганлар. Шу тариқа улар ўсимликларнинг турли хусусиятларини, шу жумладан шифобахш таъсирларини билиб олганлар ва улардан фойдалана бошлаганлар.

Ўша даврдаги «табиблар»га қуйидаги даволаш усуллари маълум бўлган. Биринчи галда, албатта, туғаётган аёлга ёрдам бериш, ўрмонда ялангоч ва ялангоёқ чопиб юрган боланинг оёғи остига кириб қолган зирачани тортиб олиш, жароҳатланган жойни ўсимлик барглари билан боғлаш, қон оқишини тўхтатиш, ва ниҳоят,

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Тўлиқ асарлар тўплами, 5-том, 103-бет.

касалларни парвариш қилиш. Қасалларни даволашда шифобаҳш ўсимликлардан ҳам фойдаланганлар. Дешифори «табиблар» аёллар эди. Кўп халқларнинг тарихий ривоятларида ҳам биринчи табиблар аёллар бўлганлиги қайд қилинади. Масалан, Урта Осиё териториясида яшаган қадимги одамлар Анахита (Наҳид) исмли аёлни халқ фаровонлиги ва соғлигини ҳимоя қилувчи худо деб билганлар ва уни улуғлаганлар<sup>1</sup>. Бизнинг қадимги аждодларимиз шу Анахита ҳурмати учун аёл кишининг шаклини ясаб, унгасажда қилганлар. 1978 йилда археологлар Ургут шаҳрида ва Бухоро областининг Янгикент ва Бешкент қишлоқларида шундай аёл шаклларини топдилар.

Ҳозирги Ўзбекистон территориясида археологлар ибтидой жамоа даврига оид жуда кўп буюмлар топдилар. Шулар асосида ўша давр тибиёти ҳақида маъдилар. Шулар асосида ўша давр тибиётни тарихчиси Ф. Р. Бородулин тибиётнинг келиб чиқини кишиларнинг моддий яшаш шароити билан боғлайди. Бизга маълумки, ибтидой жамоа даврида кишиларнинг моддий яшаш шароитлари жуда оғир бўлган. У давр одамлари форларда, ўрмонларда, тоғларда, уй-жойсиз, кийим-кечаксиз яшаганлар. Уларда овқат запаслари бўлмаган. Улар бутун бир оила, қабила бўлиб, умумий чайлаларда умр кечирганлар. Ибтидой одамлар доимо атроф табиатнинг зарарли омиллари таъсирида бўлганлар, уларга кўпинча йиртқич ҳайвонлар ҳужум қилган. Бундай оғир шароитлар таъсирида улар тез-тез қасалланиб турганлар. Йиртқич ҳайвонлар билан курашда улар кўпинча турли жароҳатларга учраганлар. Ўз-ўзидан маълумки, бундай аҳволда одамлар даволанишга муҳтож бўладилар. Шу тариқа дастлабки даво чорала-ри ишлаб чиқилган. Биз юқорида қадимги «табиблар»

<sup>1</sup> А. А. Асқаровнинг ёзишича, ҳозир халққа маълум бўлган «Биби Ҳанифа» ёки «Биби мушкул кушод» шу Анахитадир.

тош пичноқ билан баъзи муолажаларни амалга оширганликларини кўрсатиб ўтган эдик. Баъзан археологик қазилмалар вақтида топилган суяклардан шундай манипуляцияларнинг излари кўзга ташланади.

Археологик материалларни ўрганиб, қадимги замон кишиларининг қандай қасалликлар билан оғриганликларини ҳам билишимиз мумкин. Масалан, палеопатолог В. Я. Дэрумс қазиб олинган жуда кўп суякларни рентгенологик усул билан текшириб, ҳатто мезолит даврида яшаган аждодларимиз қандай қасалликлар билан оғриганликларини аниқлаб берди. Масалан, у ўша давр одамлари суяқ сили, остеомиелит, рахит, тиш кариси касалликлари билан оғриганликларини исбот этди. У суякларда ҳар хил жароҳатланиш изларини ҳам топди. Булардан ташқари, қазиб олинган суякларда яллиғаниш процесси, дистрофик ва атрофик ўзгаришлар, ривожланиш иллатлари (етишмовчилликлари) ҳам топildи. Ҳозирги замон биохимиявий, иммунологик ва рентгенологик текширишлар йўли билан ўтмиш аждодларимиз қандай ички қасалликлар билан оғриганликларини ҳам билиб олиш мумкин.

Ибтидой жамоа даври одамлари ўзларидан олдинги даврда яшаган маҳлуқларга нисбатан шифобаҳш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланганлар. Биз юқорида баъзи бир шифобаҳш ўсимликлардан одамсимон маймунлар (гипбон) фойдаланганлигини айтиб ўтган эдик. Гипбон, питекантроп, синантроплар бу ўсимликлардан пассив равишда, ҳар гал зарур бўлгандағина фойдаланганлар. Ибтидой жамоа одамлари эса шифобаҳш ўсимликларни актив равишда қидириб топиб ишлатганлар.

Маълумки, ҳайвонларда жисмоний етилиш даври жуда қисқадир. Кўп ҳайвонларнинг болалари туғилгандан сўнг кўп ўтмай мустақил яшай бошлайдилар. Чунки ҳайвонлар ўз болаларини узоқ вақт боқиб юролмайдилар. Маълум бўлишича, бизнинг қадимги аждодларимизнинг жисмоний етилиш даври ҳам қисқа бўлган экан.

Америкалик олим Смит қазиб олинган қадимги одамларнинг сүякларини (тишларини) рентгенологик усулда текшириб, уларнинг жисмоний етилиш даври анча қисқа бўлганлигини аниқлади. Масалан, питекантропларнинг жисмоний етилиши анча қисқа бўлганлигини исбот этди. Бизнинг узоқ ўтмишдаги аждодларимиз ҳам ўз болаларини узоқ вақт боқмаган, чунки уларнинг ўзи запас овқатларга эга эмас эдилар. Неандертал одамнинг жисмоний етилиш даври ҳозирги замон одамларнига яқин (14—15 йилга тенг) экан.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳайвонлар шифобахш ўсимликлардан фойдаланаар эканлар, улар бунда асосан инстинктив иш кўрганлар. Уларда абстракт фикрлаш қобилияти бўлмаган. Қадимги одамларда эса ривожланишининг маълум босқичида бундай абстракт фикрлаш қобилияти пайдо бўлган. Шу туфайли қадимги одамлар шифобахш ўсимликлардан рационал ва мақсадга мувофиқ фойдаланганлар. Ф. Энгельс бу ҳақда шундай деган эди: «Бургутнинг кўзлари одамнига нисбатан узоқроқ масофани кўради, аммо одамнинг кўзи бургутнинг кўзидан кўра кўпроқ нарсани идрок этади.»<sup>1</sup> Шу сабабли одамлар жисмоний жиҳатдан анча кеч етилсалар ҳам, ўз ҳаётларини сақлаб қолдилар, кўпгина бошқа ҳайвонлар эса жисмоний жиҳатдан эрта етилсалар ҳам ер юзидан йўқ бўлиб кетдилар. Уларни шифобахш ўсимликлар ҳам асрар қололмади. Демак, бу ерда шифобахш ўсимликлардан оддий фойдаланиш эмас, балки рационал, мақсадга мувофиқ фойдаланиш асосий роль ўйнаган. Ҳайвонлар шифобахш ўсимликлардан рационал фойдаланиш даражасига кўтарила олмаганлар.

Юқорида айтилганларни археологик қазилмалар вақтида топилган буюмлар ва сүякларни синчиклаб ўрганиш натижасида исботлаб бериш мумкин.

<sup>1</sup> Ф. Энгельс, «Табиат диалектикаси», 1964, 148-бет.

Мамлакатимизнинг турили регионларида қадимги одамларнинг жуда кўп манзилгоҳлари бўлганлиғи аниқланди. Уларда турли буюмлар, қуроллар ва ибтидоий одамларнинг сүяклари топилди. Археологлар, антропологлар ва палеопатологлар уларни ўрганиб кўп нарсаларни аниқладилар. Шу текширишлар жараёнида тиббиёт тарихига оид материаллар ҳам анчагина топилди.

Бизнинг Урта Осиё, хусусан Узбекистон територияси ҳам археологик материалларга жуда бой.

Бу ерда ҳам ибтидоий одамларнинг кўп қароргоҳлари топилган. Масалан, 1938 йилда археолог олим А. П. Окладников Сурхондарё областидаги Бойсун шаҳри яқинидаги Тешиктош горидан бундан юз минг йил муқаддас яшаган ибтидоий одамнинг скелетини топди. Бу 8—9 ёшли боланинг сүяги эди. Текшириш натижасида бу скелет ҳозирги замонда яшайдиган одамнига яқин эканлиги аниқланди. Лекин, сүякнинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди. Масалан, унинг пастки жағи ҳозирги одамнига нисбатан анчагина катта ва тишлари йирик экан. Шунга ўхшаш катта жағ сүякли ва йирик тишли ибтидоий одамнинг скелетини Голландия археологлари Сардиния оролида ҳам топдилар (1-расм).

Шундай ибтидоий одамнинг сүяги биринчи марта Германиянинг Неандертал водийсида топилган эди.



1-расм. Текшириш одами (неандертал).

Шунинг учун бундай одамларни неандертал одамлар деб атاي бошладилар. Неандерталлар бундан 150—40 минг йил муқаддам яшаганлар.

Тибиёт тарихчиларининг фикрича, неандертал одамлар биринчи бўлиб тибиёт билан шуғуллана бошлиганлар. Бу илгари жуда оддий ўсулда тушунтирилар эди: неандертал одамнинг скелети текширилганда унинг жағ суюклари ҳақиқатан ҳам катталиги аниқланган, тишларининг коронкаси едирилиб кетганлиги ҳам кузатилган. Неандертал одамларнинг жағлари шунинг учун катта бўлганки, улар фақат ўсимлик билан овқатланганлар. Хом ўсимликларнинг илдизлари ва мевалари ниражиши учун кучли жағ керак бўлган экан. Тишларининг коронкаси едирилганлигига сабаб, улар еган ўсимлик ва илдизларга қумтупроқ аралашган экан деб ўйланганлар. Олимлар неандертал одамлар фақат ўсимлик билан овқатланиш натижасида уларнинг шифобахш хоссасини ҳам билиб олганлар деб тушунтирганлар. Аниқланишича, неандертал одамлар фақат ўсимликлар билан эмас, гўшт билан ҳам овқатланган эканлар. Иккинчидан, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, табиятда шифобахш ўсимликларнинг борлиги неандертал одамлардан олдин ҳам маълум бўлган. Неандертал одамлар ишлатган баъзи бир даво усуllibарига келганда, бу усуllibардан улардан илгари ўтган архантроплар ҳам фойдаланганлар. Бинобарин, неандертал одамлар тибиётни кашф этмаганлар, балки илгари маълум бўлган даво чораларини ҳамда шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш усуllibарини давом эттирсанлар ва бир қадар такомиллаштирганлар (2-расм).

Неандертал одамларнинг шифобахш ўсимликлардан фойдаланганларни ҳақида аниқ маълумот мавжуд. Археолог Р. Солецки раҳбарлигида Ироқда археологик қазиш ишлари олиб борган олимлар Загрос тоғидаги Шанидар горидан неандертал одамлар қабристонини топганлар. Шу қабрлар очиб кўрилганда жасадлар кў-



2-расм. Тешиктош горидан топилган одамнинг бош суюги. Бир қанча майда бўлаклардан тикланган.

милган жойда қандайдир дараҳт барглари ва бир қанча доривор ўсимликларнинг қолдиқлари ҳам топилган. Улар саккиз хил ўсимлик қолдиқлари экан. Шуниси дикқатга сазоворки, бу ерда топилган шифобахш ўсимликларнинг баъзиси шу Загрос тоғида ўсмас экан. Уларни мурданинг қариндошлари узоқ жойлардан олиб келган бўлсалар керак. Қабрдан топилган ўсимликлар ичига хушбўй ва чиройли гулли ўсимликлар йўқ. Демак, улар гул (гулчамбар) сифатида эмас, балки дори сифатида қўлланган. Маълумки, қадимги одамларда ўлганлар қачондир тириладилар, деган тушунча бўлган. Демак, улар шу ўлган кишининг танаси тирилгунга қадар чиримаслиги учун шу дориларни уларнинг устига сочиб кўмган бўлсалар керак.

Шу ерда топилган скелетлардан бирининг ўнг қўли тирсагидан юқорироқдан кесилганлиги аниқланган. Баъзи олимларнинг фикрича, бу қўл сунъий равишда опе-

рация усули билан кесилган. Агар шундай бўлса, неандертал одамлар жароҳатланган ва осилиб қолган оёқ ёки қўлни кесиб ташлаш усулларини ҳам билганлар. Бу фикрни яна шу нарса исботлайдики, неандертал одамларнинг қўл бармоқлари ҳозирги одамники сингари анча нозик ва такомиллашган. Демак, улар ўз қўллари ёрдамида анча мураккаб муолажаларни қила олганлар.

Неандертал одамларнинг ҳаётидаги энг муҳим нарса уларнинг сўзлашиш қобилиятига эга бўлишидир. Сўз (тил)нинг келиб чиқиши тиббиётнинг ривожланишига катта ёрдам берди. Қасал одам, қаери оғриётганини, уни нима безовта қиласётганини сўзлаб бериш имкониятига эга бўлди ва шунга мувофиқ даво чоралари кўрила бошланди.

Ибтидоий одамларнинг йирик кашфиётларидан бири ўт (олов)дан фойдаланиш бўлди. Ф. Энгельс бу кашфиётга катта баҳо бериб: «Инсоният тарихининг бўсағасида механик ҳаракатнинг иссиққа ўтиши—ишқаланиш йўли билан олов олиш ётади... бу одамга биринчи марта табиатнинг мальум кучлари устидан ҳумронлик қилиш имкониятини берди ва шу билан у одамни ҳайвонот дунёсидан ажратди<sup>1</sup>» — деб ёзган эди.

Оловнинг кашф этилиши ибтидоий одамларнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Бинобарин, овқатланиш усуллари ҳам ўзгарди. Гўштни оловда пишириб (кабоб қилиб) ейишини ўргандилар. Ибтидоий одамлар оловда пиширилган гўшт анча мазали ва осон ҳазм бўлишини билиб олдилар. Бунинг натижасида одамлар меъда-ичак касалларни билан камроқ касалланадиган бўлдилар.

Тибиёт матриархат даврида ривожланишда яна давом этди. Бу даврнинг охирига келиб камон кашф этилди. Ф. Энгельснинг таъбирича, камоннинг кашф этилиши ўша замон одамларининг ақлий ривожланиши

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. «Анти-Дюiring», 1953, 108-бет.

маҳсули эди. Ибтидоий одамларнинг фаолияти бу даврда анча такомиллашди. Шу билан бирга улар даволаш масалаларида ҳам ўз идрокларини кўпроқ ишлата бошладилар.

Камондан фойдаланган қадимги одамларнинг суюклари биринчى марта Франция территориясидаги Кроманьон форида топилган эди. Шунинг учун уларни кроманьон одамлар (кроманьонлар) деб атадилар. Кроманьонлар тахминан бундан 40 минг йил муқаддам яшаганлар.

Узбекистон территориясида бундай одамларнинг қароргоҳи Н. Г. Харламов бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан 1939 йилда Самарқанд шаҳрида топилган. Шу ернинг ўзида 1962 йилда кроманьон одамнинг суюклари топилди. Бу 25 ёшли аёлнинг скелети, эркак кишининг пастки жағи ва ёш боланинг бош суюги эди. Шу ернинг ўзида кроманьон одамлар томонидан ясалган ва ишлатилган қуроллар ҳам топилди. Антропологларнинг фикрича, кроманьон типига мансуб қадимги одамлар ҳозирги замон одамларига жуда ҳам яқин бўлганлар. Шу типдаги қадимги одамларнинг қароргоҳлари Самарқанд обlastininin янада бошқа жойларида — Сиобча манзилида (Самарқанднинг шимолида), Ҳўжамазгил деган жойда (Булунғур районида) ҳам топилди. Ибтидоий одамлар тибиёти ўз ривожланишида янги қадам қўйди. Аммо даволашда ишлатиладиган ўсимликларнинг сони камлиги туфайли матриархат даврининг тибиёти унчалик ривожланган эмас эди. У даврда асосан оғриқни қолдирувчи, наркотик, қон оқишини тўхтатувчи, қайт қилдирувчи, ич кетишини тўхтатувчи ва қисман яллигланишга қарши таъсир этувчи ўсимликлар ишлатилган, холос.

Муолажа усулларидан туғруқ вақтида ёрдам бериш, чақалоқнинг киндигини кесиши ва учини боғлаш, оғриган тишини олиб ташлаш, жароҳатланган жойни боғлаш, қон оқишини тўхтатиш, организмга кириб қолган ёт

нарсаларни (эираапча) чиқариб олиш, йиринг йифилган жойни кесиб, йирингни чиқариб юбориш ва баъзи унчалик мураккаб бўлмаган ички касалликларни (меъда-ичак ишининг бузилиши) даволаш билан чекланганлар.

Итидиоий жамоа даврининг маълум босқичида матриархат даври патриархат билан алмашди. Яшаш во-ситалари эркаклар қўлига ўтади. Бунинг натижасида эркаклар оила ва қабила аъзолари ичида етакчи роль йўйнай бошладилар. К. Маркс бундай деб ёзган эди: «Патриархал оила инсоният жамияти ривожланишининг шундай даврини ифодалайдики, бунда илгари қабила ичида кўзга кўринмай юрган алоҳида шахс шу қабила ичидан кўтарилиб, кўзга ташланиб қолади»<sup>1</sup>.

Оила ва қабила аъзоларининг соғ-саломатлиги ҳақида фамхўрлик қилиш ҳам эркак кишининг вазифасига айланади. Шундай қилиб, эркак киши даволаш ишлари билан шуғуллана бошлайди.

Патриархат даврига келиб одамлар табиатда ўз ҳолика учрайдиган металлардан фойдалана бошладилар. Улардан турли иш қуроллари ясашни ўрганиб олдилар. Шулар қаторида баъзи бир тиббиёт асбоблари (бронзадан ясалган жарроҳ пичоги, игна ва ҳ. к.) ҳам ясай бошладилар. Бу асбоблар ёрдамида ўша замон «табиблари» анча мураккаб операцияларни амалга ошира билганлар. Масалан, бош суюгини трепанация қилиш, ҳомиладор аёл боласини туға олмагандан унинг қорнини ёриб боласини чиқариб олиш, мажақланиб кетган оёқ ёки қўлни кесиб ташлаш ва ҳ. к. Археологик маълумотларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёда яшаган халқларнинг қадимги аждодлари бундай операцияларни қила олганлар. Масалан, 1966 йилда Хоразм области территориясида Гуяр-қалъа шаҳарчаси харобалари қазилаётган пайтда тепа томони тешилган бош суюги топилган. Бу суюк тахминан 30 ёшли аёлнинг бош суюги

экан. Суякдаги тешилган жойнинг четлари жуда силлиқ бўлиб битган. Демак, бу операцияни қилган «жарроҳ» анча моҳир бўлган.

Шунга асосан антропологлар бу тешик трепанация излари бўлса керак деб тахмин қиладилар. Бу даврга келиб кулолчилик ҳам пайдо бўлди. Одамлар тупроқдан ҳар хил идиш-товоқлар ясашни ва уларда овқат пишириш, озиқ-овқат маҳсулотларини, сувни сақлаш йўлини ўзлаштирилар. Шифобахш ўсимликларни қайнатиб, ундан дори тайёрлаш усулини ҳам билиб олдилар.

Патриархат даврининг характерли хусусиятларидан бири баъзи ҳайвонларни уй шароитига ўргатишидир. Бунинг натижасида одамлар ҳайвонларнинг турли шароитдаги хатти-ҳаракатларини кўздан кечириш имкониятига эга бўлдилар. Масалан, биз юқорида кўрсатганимиздек, ҳайвонлар жароҳатланганида ёки касал бўлиб қолганида ўзларини бу ҳолатдан қутқариш учун нима қилганларини кўздан кечириб, одамлар маълум хulosा чиқара бошладилар. Бундан ташқари, одамлар турли ўсимликларнинг таъсирини ҳам ҳайвонларда синааб кўрганлар.

Машҳур тарихчи Геродотнинг айтишича, кўпгина доривор ўсимликларни чўпонлар топганлар. Масалан, чўпон Мелампий чемерица<sup>1</sup>нинг ич суриш хусусияти а эга эканлигини, чўпон Хирон эса кентавр ўтининг шифобахш таъсирини топганлар. Шундай қилиб, патриархат даврида даво учун ишлатиладиган дориларнинг сони анча кўпайган. Одамлар бу доривор ўсимликларни териб, қуритиб сақлаганлар ва зарур бўлганда улардан фойдаланганлар. Бироқ, янги доривор ўсимликларни топиш ва улардан фойдаланиш жуда секинлик билан борди. Даво учун ишлатиладиган ўсимликлар қаторига бирор янги хилини киритиш учун баъзан мингларча йил

<sup>1</sup> Маркс ва Энгельс архиви, XI том, 1941, 30-бет.

<sup>1</sup> Илдизи йўғон, попук гулли ўсимлик.

керак бўлган, чунки янги доривор ўсимликлар кўпинча тасодифий равишда топилар эди. Ибтидой одамларнинг «лабораторияси» атроф табиат бўлган. Табиатдан унинг сирларини билиб олиш осон бўлмаган. Бу ҳақда машҳур тибиёт тарихчиси Ф. Р. Бородулин бундай деб ёзган эди: «Шуни эсдан чиқармаслик керакки, табиат сирларини билиб олиш ва улардан эндигина ривожла-наётган ўз маданий эҳтиёжлари учун фойдаланиш қадимги одамлар учун осон бўлмаган. Бунинг учун улар жуда катта қийинчиликларни енгизлари керак эди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ибтидой жамоа даврининг охирига келиб тибиёт кишилар фаолиятининг муҳим соҳаларидан бирига айланди ва шаклланди. Даволаш ишлари билан қабиланинг ёши улуғ ва анча тажрибали бошлиқлари шуғулланардилар. Табиблик у пайтда касб сифатида шаклланмаган эди. Ибтидой одамлар зарур бўлиб қолгандагина даволаш чораларини кўриб, бошқа вақтда ўз ишлари (ов қилиш) билан шуғулланар эдилар. Аммо тибиёт пайдо бўлишининг ўзи жуда катта воқеа эди. Табиийки, бу ерда ибтидой одамлар касалликка нисбатан қандай муносабатда бўлганлар, улар касалликнинг сабаби ва унинг моҳиятини қандай тушунганлар деган савол пайдо бўлади.

Инсоният жамият тараққиётининг дастлабки босқичида (матриархат даврининг дастлабки босқичи) одамларнинг атроф табиат ва ундаги воқеалар ҳақидаги тушунчалари конкрет, содда-материалистик фикрга асосланган. Улар дунё қандай кўринишда бўлса, уни шундайлигича қабул қиласанлар. Одамлар ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида бош қотирмаганлар. Қасалликларга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлганлар. Кишилар, касалликлар қандай келиб чиқади ва уларнинг сабаби нимадан иборат деган масала билан қизиқмаганлар.

<sup>1</sup> Бородулин Ф. Р. «Тибиёт тарихи», Танланган лекциялар, 1961, 24-бет.

Улар касалликларнинг сабабини текшириб ўтирмай, уни даволаш билан шуғулланганлар, холос. Агар беморнинг бирор жойи оғриётган ёки ичи кетаётган бўлса, уни даволаш учун дори берганлар, унинг сабаби билан қизиқмаганлар. Уша давр одамларнинг ақлий ривожланиши даражаси бу масалаларни ҳал қилиш имконини бермаган.

Матриархат даврининг сўнгги босқичида ибтидой одамларда мавҳум фикрлаш қобилияти пайдо бўлгандан кейингина, улар атрофдаги ҳодисаларга қизиқа бошлаганлар. Шунингдек, ҳар хил касалликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юрита бошлаганлар. Аммо, улар дастлаб бу касалликларнинг сабабини топа олмаганлар. Турли табиий ҳодиса (момақалдироқ, ер қимирлаши, сув тошқинлари ва ҳ. к.) лар ибтидой одамларга сирли бўлиб туюлган, уларни вахимага солган. Ҳодисаларнинг моҳиятига ета олмаган қадимги одамлар, уларни пайдо қилувчи қандайдирномаълум кучлар бўлса керак деб ўйлай бошлаганлар. Бу ҳақда К. Маркс шундай деб ёзди: кишиларнинг «хаёли... энди ҳали тўқилмаган афсоналарни пайдо қила бошлади, улар эса инсонларга жуда кучли таъсир эта бошлади»<sup>1</sup>.

Қасалликлар ҳақида ҳам кишилар шундай фикрда бўлганлар. Улар табиатда қандайдир кўзга кўринмас касаллик пайдо қилувчи кучлар бор, улар одамнинг ичига (кўпроқ мияга) кириб олиб, унга таъсир қила бошлади, ҳароратини кўтаради ва бошқа касалликларни пайдо қилади деб ўйлаганлар. Қасаллик пайдо бўлиш сабабларини ўша давр одамлари қандай тушунганлари ҳақида турлича фикрлар бор. Баъзи олимлар қадимги одамлар касаллик пайдо қилувчи куч ўzlарининг ўлиб кетган аждодларишинг руҳидир деб тушунганлар, дейдилар. Бошқалари эса қадимги одамлар касал-

<sup>1</sup> Маркс ва Энгельс архиви, 1941, IX том, 45-бет.

лик пайдо қилувчи куч деганда ибтидоний одамлар қандайдир кўринмас ҳолга ўтган ўз аждодларининг ўзини тушунишган, дейдилар. Учинчилари эса қадимги одамлар касаллик пайдо қиласидиган кучлар умуман номаълум нарсадир деб тушунишган, дейдилар.

Касалликнинг келиб чиқиши ҳақидаги ўша замондаги тушунчаларга мос даво чоралари ишлаб чиқилган. Чунончи, даволашдан мақсад организмга кириб олган жоҳил «руҳ» ни чиқариб юборишдан иборат бўлган. Бу мақсад учун турли усуллар қўлланилган. Аввало ўша касаллик келтирувчи жоҳил руҳни ҳар хил усуллар билан кўнглини юмшатишга ҳаракат қиласидиганлар. Масалан, унинг номига қўшиқлар айтганлар, рақсга тушганлар ва ҳ. к. Агар бу тадбирлар ёрдам бермаса, бу жоҳил руҳни қўрқитувчи усуллар қўлланган, уни ҳайдаб чиқариш чорасини кўрганлар. Масалан, даволовчи киши қўрқинчли ниқоб кийиб олиб, унга таъсир қиласидиган. Шу қўрқитувчи терапия асосида шаманчилик (парихонлик) келиб чиқсан. Шаманчиликнинг асосий моҳияти авраш, сеҳрлаш кабиларга асосланади. Бундан ташқари, у шу жоҳил руҳни савалаб уриш усулини ҳам қўллаган. Масалан, бир тутам хивич олиб, у билан беморни аста-секин савалайди, бу билан бемор ичига жойлашиб олган жоҳил руҳни савалагандек бўлади. Қадим замонларда пайдо бўлган шу даволаш усули узоқ асрлар ўтиб бизнинг замонамизгача етиб келган.

Мияга жойлашиб олган жоҳил руҳ осон чиқиб кетсин учун беморнинг бош суюгини тешиб қўйганлар (тре-панация қиласидиганлар).


Бизнинг узоқ ўтмишдаги аждодларимиз қандай касалликлар билан оғриганлар ва уларнинг жисмоний ривожланишлари қандай бўлган? Бу саволга ҳам археология фани жавоб беради. Биз юқорида В. Я. Дэрумснинг маълумотларини келтирган эдик. Унинг материаллари Болтиқбўйи регионига тегишли. Бизда бу иш билан Узбекистон ССР Фанлар академияси Археология

институтининг катта илмий ходими Т. Қ. Хўжаев ва Самарқанд медицина институти патологик анатомия кафедрасининг мудири М. И. Молдавский шуғулланишган. Бу текширишни улар Сурхондарё обlastидаги Сополлитепа районида бронза даврида яшаган одамларнинг суюклари устида олиб бордилар. Текширишлар натижасида Сополлитепа қабристонига қўмилган аждодларимизнинг жисмоний ривожланишига ва улардаги касалликларга доир қизиқарли маълумотлар олинди.


Антраполог Т. Қ. Хўжаев шу ердан қазиб олинган 147 та скелетни синчиклаб текшириб чиқди. Ҳамма текширилган скелетлардан 40 таси эркакники, 53 таси аёл кишиники, 54 таси эса болаларники эканлиги аниқланди. Эркакларнинг ўртача бўйи 163,3 см, аёлларники эса 155 см бўлган экан. Эркаклар оғирлиги ўртача 55,2, аёлларники эса 45,5 кг бўлган. Эркаклардан энг узун бўйлиси 179 см, энг паст бўйлиси 144,2 см экан. Эркакларнинг ўртача ёши 35, аёлларни эса 34 йилга тенглити аниқланди. Демак, бизнинг ўша даврдаги аждодларимиз жуда кам умр кўрганлар. Аёлларнинг анча эрта турмуш қуришлари ҳам маълум бўлди. Улар 14—15 ёшда турмуш қуриб, 15—16 ёшдан фарзанд кўра бошлаган. Шунга қарамай, аҳоли секинлик билан кўпая бошлаган, чунки ўлим даражаси, айниқса болаларнинг ўлими кўп бўлган. Тугилган болаларнинг 36,74 проценти нобуд бўлган.

В. А. Алексеевнинг таъкидлашича, одамларнинг бундай қисқа умр кўришлари ибтидоний жамоа даврининг ҳамма босқичлари учун хосдир. Олимнинг маълумотларига кўра юқори палеолит одамлари ўртача 23,7 йил умр кўрганлар. Мезолит ва пастки палеолит одамларининг умр кўриши ҳам шунга яқин бўлган.

Касалликлар ва шикастланишлар. Т. Қ. Хўжаев ва М.И. Молдавскийлар Сополлитепа одамларининг скелетларини текшириб уларда қўйидаги касалликлар аломатларини топдилар: 1. Ҳар хил ял-



3-расм. Қадимги одамнинг синган жағ суяги.




4-расм. Ўқ қадалиб қолган умуртқа.

лиғланиш касаллеклари: чунончи, гавда сүякларида пастки ва юқори жағ сүякларида, ўрта қулоқ ва гаймор бўшлиғида яллиғланиш белгиларини аниқладилар. Бундан ташқари, жуда кўп одамларнинг тишлари емирилиб кетганлиги қайд қилинган. 2. Ҳар хил шикастланишлар: чунончи, бош сүякларининг эзилиши ва синиши, оёқ-қўл ва умуртқа сүякларининг синиши. 3. Мураккаб касаллеклар. Баъзан битта одамнинг ўзида бир неча хил касаллик ва шикастланишларнинг биргаликда учраши қайд қилинди. Масалан, бир скелетда пастки жағнинг остеомиелити билан бирга энса суюгининг синганлиги аниқланди. Бошқа бир скелетда пастки жағ суяги альвеолаларининг атрофияси билан думғаза суюгининг жароҳатдан шаклан бузилиши бир вақтда юзага келган (4-расм). Ҳар хил шикастланишлар кўпинча турли яллиғланиш жараёнлари билан бирга кечган. Бош сүяклари ва умуртқа поғонасида дистрофик ўзгаришлар ҳам кўп учраган. Бу муаллифларнинг аниқлашларича, ўша замон одамларида яллиғланиш жараёнлари анча узоқ давом этар ва оғир кечар экан.

Текшириб чиқилган скелетларда ривожланиш нуқсонлари ҳам аниқланди. Масалан, бир скелетда «спина бифида» (думғаза умуртқалари қанотларининг бир-бидан узоқлашиб қолиши) аломати топилган. Бошқа бир скелетда икки томонлама сакрализация аниқланди. Ўсма касаллиги аломатлари ҳам аниқланган (5-расм).

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, аждодларимиз ҳам ҳозирги замон одамлари қандай касаллеклар билан оғрисалар асосан ўшандай касаллеклар билан оғриган эканлар. Тарихий маълумотларга кўра ўша давр одамлари ўртасида касалланиш ва турли шикастланишлар анчагина кенг тарқалган экан. Табиийки, бу ҳол ўлимнинг юқори бўлишига сабаб бўлган. Олим А. А. Асқаровнинг фикрича, Сополлитепада яшаган одамларнинг жисмоний суст ривожланганилиги ва улар ўртасида касаллик ҳамда ўлимнинг кўп бўлишига



5-расм. Умуртқа погонасининг ўсма касаллиги.


аёлларнинг эрта эрга чиқишилари ва бола туға бошланганлари сабаб бўлган. Бу ҳол жисмонан заиф болаларнинг туғилиши ва оналар умрининг қисқаришига олиб келган. Олим Сополлитепа одамлари ўртасида касалликларнинг кенг тарқалганлиги ва ўлимнинг кўп бўлишига уларда санитария маданиятининг пастлиги сабаб бўлган, деган фикрни илгари суради. Бизнингча, масаланинг бундай тушунирилиши тўғри бўлмаса керак. Маълумки, озодаликка интилиш ҳатто баъзи ҳайвонларга ҳам хос нарса. Аниқланишича, ҳатто сигирлар ҳам бузоқ туғиладиган жойни тасодифан ифлосланишдан сақлашга ҳаракат қиласа экан. Табиийки, одамлар ҳам озода бўлишга интилиб келганлар. Ҳаёт учун кураш жараёнида кўп ҳайвонларда, демак одамларда ҳам озодаликка мойиллик пайдо бўлганлигини инкор қилиш тўғри эмас. Албатта, қадимги Сополлитепа одамлари ҳамма қулайликларга эга бўлган уйларда яшамаганлар. Лекин шунга қарамай, улар ўзини ва турар жойларини озода сақлашга интилганлар.

А. А. Асқаров бу ўринда яна «элементар» тиббий ёрдамнинг бўлмаганлигини ёзади. Ўз-ўзидан маълумки, уларда биз тушунгандек тиббий ёрдам бўлган эмас. Аммо, халқ тиббиёти сифатидаги элементар даволаш усули бўлган. Халқ тиббиёти эса эмпирик тажрибага асосланиб, касалликларни кўпинча тўғри аниқлаган ва оқилона усууллар билан даволаган.

Бизнинг фикримизча, Сополлитепа одамларининг жисмоний жиҳатдан суст ривожланганлари ва улар ўртасида касаллик ҳамда ўлимнинг кўп бўлганлиги сабабини уларнинг социал яшаш шароитларидан ахтариш керак. Ӯша давр шароитлари улар яшаш восита-лари билан етарли таъминланмаган, овқатланишининг миқдори ва сифати етарли эмас, яшаш жойлари қуладай эмас эди. Шунингдек, одамлар табиат бойликларидан тўла фойдаланишга ўрганмаган эдилар. Яшаш шароитининг оғирлиги, ҳаёт учун зарур нарсаларни топишнинг қийинлиги, тез-тез шикастланиб туриси — касаллик ва ўлимнинг кўп бўлишига сабаб бўлган.

Қадимги Поп шаҳри яқинидаги тепаликда археологлар қазишишлари олиб борилаётган вақтда бир аёл кишининг куйиб кетган скелети топилган. Баъзи олимлар (А. Асқаров, А. Анербоев, Б. Матбобоев) бу аёл юқумли касалликдан ўлганлиги учун куйдирилган бўлса керак деган фикрдалар. Агар шу фикр тўғри бўлса, бизнинг ўтмишдаги аждодларимиз юқумли касалликларнинг тарқалиб кетмаслик чораларини билган эканлар дейиш мумкин.

Машҳур палеопатолог Д. Г. Рохлин қадимги одамларнинг суюкларини текшириб, бизнинг аждодларимиз 25 дан ортиқ ҳар хил касалликлар билан оғриганликларини аниқлади. Суюк ва бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликлари, травматик жароҳатлар ва уларнинг асоратлари, суюк ва бўғимлар сили, остеомиелитлари, ўсма касалликлари, суюкларнинг заҳм касалликлари, рапит, кифоз ва сколиозлар, периоститлар, остеохондрозлар, Бехтерев касаллиги скелетнинг адаптацион компенсатор ўзгариши, ҳар хил операциялардан сўнгги қолдиқлар ва шу кабилар шундай касалликлар қаторига киради (6-расм). Шундай қилиб, суюкда қолгани асоратлар орқали қадимги одамларда учраган кўпгина касалликларни аниқлаш мумкин. Америка қитъасида қадим замонда яшаган ҳиндларнинг бальзамлан-



6-расм. Умуртқа устунининг бўйин қисмидаги пайдо бўлган сколиоз (қийшиқлик).

Маълумки, ибтидоий жамоа даврида табиблик касби йўқ эди. Даволаш ишлари билан қабилаларнинг бошлиқлари зарур бўлиб қолгандагина шуғулланар эдилар. Бу улар учун касб ҳисобланмас эди. Ибтидоий жамоа давридан қулдорлик жамиятига ўтиш даврида бошқа касблар сингари табиблик касби ҳам шакллана бошлади. Ривожланишнинг маълум босқичига келиб, доривор ўсимликларни яхши биладиган ва даволаш усулларини

ган танаси текшириб кўрилганда уларнинг томирида атеросклеротик нуқталар топилган. Демак, улар атеросклероз касаллиги билан ҳам оғриган. Шундай қилиб, археология қадимги одамларнинг «касаллик тарихини» ўқиши имконини берди.

Археологиянинг тиббиётга даҳлдор яна бир бўлими — палеобиологиядир. Бу фан ўтмишдаги одамлар организмининг биологик хусусиятларини ўрганади. Масалан, палеобиология усули билан қадимги одамларнинг қон группаси, ирсият ва бошқа биологик хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Инсоният тараққиётининг навбатдаги босқичи қулдорлик даври деҳқончиликка ўтиш ва шу сабабли ўтроқ ҳаётнинг вужудга келиши билан характерланади. Қулдорлик даврида меҳнат тақсимоти пайдо бўлди ва турли касб-корлар келиб чиқди.

бошқалардан яхшироқ ўзлаштириб олган кишилар, асосан шу иш билан шуғуллана бошладилар, кейинроқ эса бу ишни ўзларига касб қилиб олдилар. Шу тариқа табиблик касби пайдо бўлди.


Табиблик касбининг пайдо бўлганлиги қадимги давлатларнинг расмий ҳужжатларида ҳам қайд қилинган. Масалан, қадимги зардустийларнинг муқаддас китоби «Авеста»да табиблик касбининг мавжудлиги тан олиниб, табибларга уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўланиши керак деб таъкидланади.

Табиблик касби бошқа касблар сингари оилавий характерга эга бўлган. Бу касб оила доирасида бир наслдан иккинчнисига ўтиб келган. Оила бошлиғи бу соҳадаги ўз билим ва тажрибасини болаларига ўргатган.

Ҳар бир табиб ўзига кўпроқ касалларни жалб қилиш учун яхши таъсир этадиган дорилар ва даво усулларини қўллашга ҳаракат қилган. Бу дорилар ва даволаш усуллари сир сақланган. Бу сирдан унинг оила аъзолари гина воқиф бўлишган.

Қадимги замон тиббиётининг хусусиятларидан бири унинг айрим касаллклар бўйича ихтисосланганлигидир. Масалан, табиблар ўртасида ички касаллкларни даволовчилардан ташқари, жарроҳлар, чиққан-синганларни даволовчилар, қон оловчилар, кўз касаллиги бўйича (каҳҳоллар), тери касаллклари бўйича табиблар бўлган. Жарроҳлик билан кўпроқ сартарошлар шуғулланганлар (7-расм). Улар соч-соқол олишдан ташқари, хатна қилиши, зулук солиш, қон олиш, оғриган тишини суғуриб олиш билан ҳам шуғулланганлар.

Бу даврга келиб кишиларда касаллкларнинг мөҳияти ва сабаблари ҳақидаги фикрлар ҳам ўзгарди. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ибтидоий одамларда бу ҳақда турли фантастик тушунчалар мавжуд эди. Ибтидоий жамоа давридан қулдорлик жамиятига ўтиш даврига келиб, бу тушунчалар ўрнига бошқача фикрлар



7-расм. Қадимги жарроҳлар ишлатган асбоблар.

пайдо бўлди. Маълумки, бу даврга келиб дин пайдо бўлди ва барча ҳодисалар, жумладан соғлиқ ва касаллик ҳам дин ва худолар билан боғланди. Одамлар касалликлар худо томонидан гуноҳкорларни жазолаш учун юборилади деб билардилар. Шунга кўра касалликдан қутулиш учун тоат-ибодат қилиш, худога сифиниш, худо ва авлиёлар йўлига қон чиқариш (бирор жонлик — қўй, эчки, хўрз сўйинш) тавсия этилар эди.

Лекин касалликлар ҳақида тажрибага асосланган соғлом фикрлар ҳам мавжуд эди. Тиббиёт вакиллари ўз кузатишлари натижасида касаллик ташки муҳитнинг зарарли таъсирида келиб чиқади деган фикрга келгандар. Улар шунингдек, овқат стишиналиги, сифатсиз овқатланиш оқибатида организм заифлашиб, одам касалликка тез чалинувчан бўлиб қолишини ҳам билгандар. Бундан ташқари, иқлим шаронти ва бошқа табиий омилларга ҳам аҳамият бергандар. Бунда шамолининг йўналиши ва унинг таъсири алоҳида уқдириб ўтилган. Табиблар қул ларнинг оғир меҳнатдан зўриқиб йиқилиб қолиш

лари ва уларнинг турли касалликларга чалинишларини кўриб, касаллик сабабларидан бири оғир меҳнат эканлигига амин бўлганлар. Қулдорлик даврида одамлар гигиена қоидаларига риоя қилишнинг (танани, уй-жойни, овқат ва сувни тоза сақлаш) аҳамияти катта эканлигини ҳам тушунганлар. Уларни бузиш ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини кўрсатиб бергандар.

Булардан қадимги амалий тиббиёт вакиллари саломатлик ва касаллик муаммосини тўғри ҳал қилганларлари кўриниб турибди. Шу тушунчаларга биноан давочоралари ишлаб чиқилган.

Юқорида ибтидоий одамлар касалликларни даволашда унчалик кўп бўлмаган (10—15 та) ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган дориларни ишлатиш ва одам организмига кириб олган «жоҳил руҳни» ҳайдаб чиқариш билангина чекланганларини айтиб ўтган эдик. Қулдорлик даврига келиб, бу даво усуллари анча такомиллашди. Чунончи, организмга кириб олган «жоҳил руҳни» чиқариб юбориш учун бош суюгини операция қилиб тешиш ва касалга қўпол усуллар қўлланиши ўрнига тоат-ибодат қилиш, авлиёлар қабрига сажда қилиш каби енгилроқ усуллар қўллана бошлади.

Амалий тиббиётнинг даволаш усулларида дори-дармонларнинг сони анча кўпайди. Ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган дорилар қаторига минерал моддалар (турли металларнинг тузлари, маргимуш, симоб, селитра, тўтиё, новшадил, камфора ва ҳ. к.) ҳам киритилади. Дориларнинг сони бир неча юздан ошиб кетди. Кўпроқ ични юриштирувчи (сурги) дорилар ишлатила бошлади. Ҳар қандай касалликни даволаш биринчи галда беморга ични юриштирувчи, қайт қилдирувчи дори беришдан бошланарди. Бундай даволаш усули организмда тўрт хил суюқлик (қон, шиллиқ, жигар сариқ ўти ва қора ўт) миқдор ва сифат жиҳатидан мувозанатда бўлса, кишининг саломатлиги сақланади деган тушунчага асосланган эди. Агар шу суюқликлардан бири миқдор

ёки сифат жиҳатидан устун келиб қолса, мувозанат бузилиб, касаллик пайдо бўлади. Шунга кўра дорилар касаллар танасидаги суюқликни мувозанаёт ҳолатга келтириш мақсадида берилган. Агар қон устунлик қилиб қолган деб фараз қилинса, бемордан қон олинган. Шундан кейингина беморларга тегишли дорилар берилган. Дорилар кўпроқ симптоматик хусусиятга эга бўлган. Улар касалликнинг ўзидан кўра кўпроқ уларнинг симптомлари, яъни белгиларини йўқотишга қаратилган.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон териториясида табиблик касбининг келиб чиқиш тарихи қисқача ана шундан иборат.

## ИЛМИЙ МЕДИЦИННИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

Инеоният жамият тараққиётининг навбатдаги босчи чи феодализм муносабатларининг ривожланиш давридир. Ўрта Осиё халқлари учун феодализм даври иқтисодий ҳаёт, илм ва маданиятнинг анча юксалиши билан ифодаланади. Бу даврга келиб Ўрта Осиёда ҳунармандчилик, деҳқончилик, фан ва маданият юксала бошлади. Бундай умумий кўтарилиш негизида тиббиёт ҳам тез ривожлана бошлади. Тиббиётда ишлатиладиган дори-дармонлар сони кўпая бошлади. Дорилар кўпайган сари уларнинг номини ёдда сақлаб қолиш қийинлашди. Шу муносабат билан дорилар ҳақидаги маълумотларни ёзиб қўя бошладилар. Шундай қилиб, тиббиётда дастлабки ёзувлар сўнгра китоблар пайдо бўлди. Натижада тиббий адабиёт юзага келди.

Қадимги Ўрта Осиё халқларининг тиббиёти ҳақидаги биринчи ёзма манба биз юқорида кўрсатиб ўтган «Авесто» номли китобdir. Қадимги юон тарихчиси Плинийнинг таъкидлашича, «Авесто» икки миллион мисра шеърий матндан иборат. Бу китоб 12 000 кийик терисига ёзилган экан. У Истаҳр шаҳрида сақланган. Бу шаҳарни Македониялик Искандар аскарлари босиб



8-расм. Оссуарий (суюқдон). Ленинграддаги Эрмитаж музейнда сақланади.

олгандан сўнг у китобнинг астрономия, фалсафа ва тиббиётга оид бобларини кўчириб олиб, қолганини ёқиб юборишга бўйруқ берган.

«Авесто» қадимги зардуштийларнинг муқаддас диний китоби бўлиб, унда асосан диний ақидалар, кишиларнинг яшаш қонидалари, фалсафий масалалар ҳамда тиббиётга оид фикрлар баён этилган. Тиббиётга оид қисмида одам танасининг тузилиши, томирлар, баъзи қасалклар ва уларнинг давоси ҳақида маълумот берилади. Бу бобда гигиена масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Чунончи, «Авесто» ер, ҳаво ва сувни муқаддас деб эълон қилиб, уни ифлослантиришни ман этади. Шунга асосан ўлган кишининг жасадини ерга кўмишга рухсат бермайди. Шунинг учун қадимги зардуштийлар ўлган одамни аҳоли яшайдиган жойдан узоқроқقا (тепа, адир) олиб бориб қўйганлар. Мурда гавдасининг юмшоқ қисмларини йиртқич ҳайвонлар ва қушлар еб бўлганидан сўнг суюгини йиғиб маҳсус суюқдонларга солиб сақлаганлар. Ҳозирги Ўзбекистон териториясида бундай суюқдонлар кўп топилган (8-расм). Масалан, Самарқанд



9-расм. Дори сақланган идиш.  
Мунчоқтепадан топилган.

сисларнинг фикрича, идишдаги суюқлик кайф берувчи таъсири бўлган модда экан (9-расм). Маълумки, наркотик моддалар табобатда кўп ишлатилади. Топилган металл буюмлар ичida шундайлари ҳам борки, улар тиббиёт асбоблари қаторига киритилиши мумкин. Масалан, бронздан ясалган икки томони ўткир пичоқдан ўша замон жарроҳи баъзи бир операцияларда фойдаланган бўлиши эҳтимол. Шу ернинг ўзида кураксимон тўғноғич ҳам топилган А. А. Асқаровнинг фикрича бу сочга қадаб қўйиладиган тўғноғичликдан ташқари, аёллар учун косметик устара вазифасини ҳам бажарган. Тарих фанлари

областининг Лойиш қишлоғида, Тошкент яқинидаги, Бухоро обlastидаги Ховузтепа тепалигига шундай суюқдонлар топилган. Ўлкамизда феодализм даврида тиббиётнинг нечоғлик ривожланганлигини аниқлашда археологик текширишлар ҳам анча ёрдам беради. Археологик қазилмалар вақтида ўша замон тиббиётнинг қайдаражада бўлганлигини кўрсатувчи кўлгина материаллар топилган.

Масалан, Сурхондарё обlastидаги Сополлитепа шаҳарчасида археолог олим А. А. Асқаров ва унинг шогирдлари диний маросимларда ишлатиладиган шарбат ва овқат қолдиқлари сақланган идиш топғанлар. Мутахас-

доктори, профессор А. Р. Мұҳаммаджонов раҳбарлик қилган Бухоро археологик экспедицияси қатнашчилари 1983 йилда қадимги Пойкенд шаҳри харобаларини қазиши вақтида VIII асрда мавжуд бўлган дорихона қолдиқларини топдилар. Бу ерда мўмиё сақланган идиш топилди. Маълумки, мум шарқ тиббиётида кенг ишлатилган.

Самарқанд шаҳрида Сўзангарон кўчаси районида қадимги касалхона ва унга яқин жойда мадрасанинг харобалари топилди. Касалхона 1066 йилда ўша даврдаги шаҳар ҳокими қораҳонийлар авлоди Иброҳим ибн Носир Тамғачхон фармонига биноан қурилган экан. Бундай касалхоналар Мавр, Урганч, Тошкент, Бухоро каби бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Касалхонага ўша даврнинг кўзга кўринган тиббиёт олимларидан Мұҳаммад ибн Абдулмалик ас-Сафар раҳбарлик қилган. Мадрасага мударрис этиб машҳур олим Абу Тоҳир ибн Ҳасан ал-Жаззолий сайланган. Мадрасада бошқа фанлар қаторида тиббий билимлар ҳам ўқитилган. Баъзи тарихчилар бу мадраса тиббий мактаб бўлган деган фикрдалар. Аниқланишича, у «табобат билим маскани» деб аталар экан.

Қадимги Афросиёб территориясида қазиши ишлари олиб борилган вақтда водопровод ва канализацион системалар, ҳаммомлар ва бошқа ободончилик объектлари топилган. Шунингдек, водопровод системалари Фарғона обlastидаги қадимги Ахсикент ва Қува шаҳарларида, Сурхондарё обlastидаги Термиз ва Тошкент яқинидаги Шоҳруҳия шаҳарларида ҳам топилган. Шулардан маълумки, Узбекистон территориясида яшаган қадимги халқлар саломатлик учун тоза сув ва гигиеник шароитлар жуда муҳим эканлигини яхши билгандар. Ю. Ф. Буряковнинг ёзишича, бу система жуда мураккаб қурилган йирик ва майда қувурлардан иборат. Улар ҳаммомнинг ҳар бир хонасига киритилган. Ҳаммомлар юваниш жойи бўлишдан ташқари, даволаниш

маскани ролини ҳам бажарганлар. Буни Ибн Сино ҳам кўрсатиб ўтган. Ҳар бир ҳаммомда маҳсус ходимлар ишлаганлар. Улар ювенишга келган одамларни маълум ишлаб чиқилган система билан пул эвазига уқалаганлар (массаж. қилганлар). Бунинг натижасида киши ўзини жуда енгил сезиб, саломатлиги мустаҳкамланган, ҳаммомда беморларга дори-дармон ҳам қилинган. Бемор ювентирилиб, унинг баданига турли дорилар суртганлар.

Навоий шаҳридан 20 км масофада бўлган Работи Малик номли карбонсарой харобаларидан ўзида хушбўй суюқликлар ва доривор моддалар сақлаган шиша идишлар топилган.

Ўрта Осиёда илмий тиббиётнинг энг ривожланган даври X—XII асрларга тўғри келади. Бу даврда ўлкамизда жуда машҳур тиб олимлари яшаб ижод қилганлар. Абу Али ибн Сино, Шарафуддин ибн Айлоқи, Исмоил Журжоний, Маҳмуд ибн Үмар Чагминий, Нажибуддин Самарқандий шулар жумласидандир.

Ўрта Осиёда илмий тиббиётнинг шаклланиши асосан буюк олим Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ. Ибн Синонинг асосий хизмати шундаки, у ўз фаолияти ва асарларида Ўрта Осиё территориясида ривожланган амалий ва назарий тиббиётни умумлаштириди, уни бошқа қўшни шарқ мамлакатлари тиббиёти ютуқлари билан бойитиб, бир бутун системага келтирди. Ибн Сино асарларини синчиклаб ўрганилса, олим қадимги Юон ва Рим тиббиёти билан ҳам таниш эканлиги маълум бўлади. Ибн Сино ўз асарларида бу мамлакатлар тиб олимларини (Ҳиппократ, Гален ва бошқалар) эслаб ўтади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг илмий тиббиёти шу ўлканнинг амалий ва назарий тиббиёти ҳамда бошқа мамлакатларнинг тиббиётидан ижодий фойдаланиш натижасида шаклланади. Бунда Ибн Синонинг хизматлари ғоят каттадир.

Абу Али ибн Сино Ўрта Осиёда илмий тиббиётга асос солиш билан чекланмай, у шу тиббиётни дунё тиббиёти даражасига кўтарди. Ибн Синонинг сермаҳсул ижодий меҳнати туфайли бизнинг тиббиётимиз жаҳон тиббиёти қаторидан фахрли ўринни эгаллади.

Ўрта Осиёда илмий тиббиётнинг ривожланишида Ибн Сино яратган асарлар ҳам жуда муҳим роль ўйнаган.

Ибн Сино тиббиётга оид 30 дан ортиқ асар ёзган. Булар қаторида энг муҳими ва машҳури «Тиб қонунлари» дир. Бу асарда Ўрта Осиёда ўша даврдаги амалий ва назарий тиббиёт масалалари ўз ифодасини топган.

Тиббиётнинг назарий негизлари масаласида Ибн Сино ўша замонда Шарқ тиббиётида ҳукмрон бўлган мизож назариясига асосланади. Бу назария ўз навбатида ўша замон натуралистик файласуфларининг бутун борлиқ тўрт фазовий элемент — ер, сув, ҳаво ва оловдан иборат деган фикрига таянади. Бутун табиатдаги нарсалар, шу жумладан одам организми ҳам шу тўрт элементдан ташкил топган деб фарауз қилганлар. Бу элементларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга. Масалан, ер қуруқ ва совуқ, сув — совуқ ва нам (ҳўл), ҳаво — иссиқ ва нам хусусиятга, олов эса иссиқ ва қуруқ хусусиятга эга. Одам организми шу элементлардан ташкил топганлиги учун унда ҳам шу элементларнинг хусусиятлари мужассамланган, яъни инсон организми қуруқ, ҳўл, иссиқ ва совуқ хоссаларга эга. Киши организмида шу хоссаларнинг қай бири устун турли тиббиётни устун турса, бу одам «иссиқ мизож» ли одам дейилади. Агар унинг организмида совуқлик хоссаси устун бўлса, у «совуқ мизож» ли одам деб аталади. «Қуруқ» ва «ҳўл мизожли» одамлар ҳам шу тариқа белгиланади. Амалда «иссиқ» ва «совуқ» мизожга кўпроқ аҳамият берилади. Ибн Сино ва бошқа шарқ табибларининг фикрича, дори-дармонлар ва озиқ-овқат

лар ҳам шундай иссиқлик ва совуқлик хусусиятларига эга бўладилар.

Инсоннинг соғлиғи ҳам шу мизожларга боғлиқ деб фараз қилинган. Бу фикрга кўра агар одам организмидаги шу хусусиятлар (иссиқлик, совуқлик, қуруқлик, намлик) миқдор ва сифат жиҳатидан ўз мувозанатини сақлаб турса, одам соғлом бўлади, агар мувозанат бузилса, касаллик келиб чиқади. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи «Қонун» да бундай деб ёзди: «Умуман қараганда мизож иккига бўлинади. Биринчиси, мизожнинг ҳақиқий мўътадил бўлмоғи шу асосдаки, бунда мизож эгасидаги қарама-қарши хусусиятларнинг миқдорлари тенг бўлади. Ана шу миқдорларнинг орасидаги ўрта хусусият ҳақиқий мўътадил мизождир. Иккинчиси, қарама-қарши хусусиятлар ўртасидаги мизож мутлақо баробар бўлмайди икки томоннинг бирига, яъни совуқлик ёки иссиқликнинг бирига ёки ҳар иккисига мойилроқ бўлишдир<sup>1</sup>. Мизож назариясининг моҳияти шундан иборат.

Касалликнинг конкрет сабаби масаласида Ибн Сино ўша замонда тарқалган гуморал назарияга асосланади. Бу ҳақда биз юқорида айтиб ўтган эдик. Абу Али ибн Синонинг «Қонун» ида ёзилишича, «қора ўт» деганда қондаги эритроцитлар массаси кўзда тутилган. Шиллик (слизь) эса қон плазмасидир. Ибн Сино бундай ёзди: «қон томирдан чиқса кўзимиз олдида кўпикка ўхаш қисмга ажралади, — бу сариқ ўтдир, сўнгра тухум оқи сингари қисмга ажралади — бу шилликдир, сўнгра чўкмасимон нарсага ажралади — бу қора ўтдир. Бундан ташқари, қонда сувсимон суюқлик ҳам бор». Бу ерда гап қоннинг пробиркада турли компонентларга ажралиши ҳақида кетмоқда. Бизга маълумки, қон пробиркада маълум вақт сақланса, у плазма, чўкма (шаклли элементлар), фибрин ва лейкоцитар қаватларга ажралади. Ибн Сино қоннинг пробиркада шундай ўзгаришларга учрашини

яхши билган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ибн Сино биринчи бўлиб одам организмидаги тўрт суюқликнинг ҳаммаси қонда бўлишини кўрсатиб берди. Шуниси алоҳида эътиборга сазоворки, Ибн Сино қондаги бу суюқликларнинг моҳиятини тўғри тушунган. Унинг кўрсатишича, қоннинг бу компонентлари одам органларининг озиқланиши (модда алмашиниши — А. К.) да иштирок этади.

Ибн Синонинг фикрича, одам организмидаги суюқликларнинг миқдор ёки сифат жиҳатдан ўзгариши мизожга таъсир этади, уни зўрайтиради ёки сусайтиради. Бинобарин, организм суюқликлари билан мизож ўтасида боғланиш бор. Суюқликларнинг миқдор ва сифати касаллик пайдо қилувчи турли омиллар таъсирида ўзгаради. Бу омилларга овқат режими нинг бузилиши, ноқулай иқлим шароити, оғир жисмоний меҳнат, руҳий кечинмалар киритилган.

Мизож назариясига биноан даво усуллари ишлаб чиқилган. Бу усул «қарама-қаршини, қарама-қарши билан даволаш» принципига асосланган. Агар касаллик «иссиқлик» мизожи устунлик қилиши натижасида келиб чиқкан деб ҳукм чиқарилса, «совуқлик» хусусиятига эга бўлган дорилар берилган ва, аксинча, агар касаллик «совуқлик» мизожи устун келиб қолиши туфайли келиб чиқкан деган холоса чиқарилса, «иссиқлик» хусусияти бўлган дорилар берилган. Даволащдан олдин эса организмда йигилиб қолган «ортикча» суюқликни чиқариб юбориш чорасини кўрганлар. Бунинг учун беморга ични юмшатувчи, қайт қилдирувчи дорилар берилган, қон олинган. Бу усулларнинг барчаси «Қонун» да жуда муфассал баён этилган.

Ибн Синонинг тиббиётнинг мақсади (вазифаси) ҳақидаги фикри жуда муҳим. У тиббиётнинг энг асосий вазифаси саломатликни сақлашдан иборатдир дейди. Бу фикр ҳозирги замон тушунчасига тамомила мос келади.

<sup>1</sup> Ибн Сино «Тиб қонунлари», 1954, 11-бет.

Қасалларга диагноз қўйиш ва уларни даволаш масаласида Ибн Сино аввало касалликнинг сабабини аниқлаш кераклигини уқтиради. Бунда у шуни таъкидлайдики, касаллик сабаби абстракт фикрлаш орқали эмас, балки соғлиқ ва касаллик ҳақидаги маълумотларни анализ қилиш орқали аниқланиши керак.

Ибн Сино микробиология фани пайдо бўлишидан кўп асрлар илгариёқ юқумли касалликларнинг пайдо бўлишида ифлосланган сув ва ҳавонинг ролини кўрсатиб берган. У касалликнинг олдини олиш учун сувни қайнатиб ёки фильтрлаб ичиш кераклигини таъкидлайди. Гигиена қоидаларига риоя қилиш жуда муҳим эканлигини алоҳида кўрсатади. Организмни турли усуллар (кураш тушиш, югуриш, чавандозлик, наизабозлик, қиличбозлик, камондан отиш) каби машғулотлар билан чиниқтириши тавсия этади. Ибн Синонинг уқтиришича, бу машғулотлар одам организмининг хусусиятлари, жинси, ёши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши керак.

Даволаш принципи ҳақида сўз юритилганда Ибн Сино аввало касаллик сабабини бартараф қилиш зарурлигини кўрсатади. Унинг уқтиришича, аввал касаллик сабабини йўқотиб, сўнгра касаллик белгиларига қарши чоралар кўриш зарур. Бунда касалликнинг энг оғир белгиларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Абу Али ибн Сино касалларни дори-дармонлар билан даволаш масаласига алоҳида аҳамият берган. «Қонун» нинг бешта китобидан иккитаси дори-дармонлар масаласига бағишлиянганининг ўзи шундан далолат бериади. Ибн Сино 800 га яқин дорини синчиклаб ўрганиб чиққан ва улардан касалликни даволашда фойдаланган. У ишлатган 396 хил ўсимликдан 165 таси ҳозирги замон медицинасида қўлланилади, улардан 110 таси эса СССР Фармакопеясига киритилган.

Ибн Сино касалликларни организмда жойлашишига қараб 22 қисмга бўлиб, ҳар бир қисмини физиологияси

ва патологиясини кўрсатиб беради. Бу масала «Тиб қонунлари» нинг учинчи китобида баён этилган. Бу китобда олим қўйидаги орган касалликлари ва уларни даволаш чораларини баён этган: бош касалликлари, бош мия касалликлари, кўз, қулоқ ва бурун касалликлари, оғиз бўшлиги касалликлари, тиш касалликлари, томоқ касалликлари, ўпка касалликлари, кўкрак органлари касалликлари, юрак касалликлари, сут безлари касалликлари, жигар, меъда-ичак ўйллари касалликлари, буйрак, қовуқ касалликлари, сийдик канали касалликлари, сийдик таносил органлари касалликлари, аёллар жинсий органлари касалликлари, оёқ-қўллар, бўғимлар касалликлари, умуртқа погонаси касалликлари ва ҳ. к.

Бу ерда аввало шу органларнинг анатомияси баён этилади, сўнгра касалликлари кўрсатилади, кейин эса даволаш чоралари ҳақида сўз боради. Ибн Сино иситма билан ўтадиган касалликларга алоҳида аҳамият берган. Бунда у иситма кўтарилиши билан кечадиган юқумли касалликларни алоҳида кўрсатиб ўтади.

Ўша даврлардаёқ Ибн Сино ўсма касалликларининг жуда хавфли эканлигини кўрсатиб берган эди. Бу касалликни даволашнинг энг таъсиранчи усули операция эканлигини уқтиради. Ибн Сино шарқ табибларидан биринчи бўлиб ришта касаллигини махсус паразит келтириб чиқаришини кўрсатиб берган.

Касалликларининг келиб чиқишида нерв системасининг асосий аҳамият касб этишини кўрсатиб берган олим ҳам Ибн Сино эди. Бу фикрни у тажриба усулида исботлаб берди. Олим токсикология, жарроҳлик масаларини ҳам баён этган. Умуман Ибн Синонинг «Тиб қонуни» да ва тиббиётга оид бошқа асарларида табобат илми ва амалиётининг ҳамма томонлари қамраб олинган.

Ибн Сино энциклопедик билимга эга бўлган забардаст олим ва табиб эди. Ибн Синодан кейинда даврларда яшаган барча Ўрта Осиёлик табиблар уни ўзлари-

нинг устозлари деб билганлар. Ибн Сино асос солған Үрта Осиё илмий тиббиёти сўнгги даврларда янги босқичларга кўтарилиди.

## ХУЛОСА

Ер юзида тиббиётнинг инсон фаолиятининг муҳим соҳаларидан бирни сифатида шаклланиши антропогенез жараёни, яъни одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эканлиги фанга қадимдан маълум.

Тарихий маълумотларга кўра антропогенез жараёни ҳамма қитъаларда ва ҳамма мамлакатларда баробар содир бўлмаган. Археолог-антрополог олимлар бу жараён дастлаб икки буюк қитъада — Африка ва Осиёда юз берганлигини аниқладилар.

Антропогенез жараёнига биринчи бўлиб қадам қўйган одамсимон махлуқларнинг сүяклари фақат Африка ва Осиё территориясида топилган. Шунга ўхшашиб махлуқларнинг сүяклари Үрта Осиё, хусусан Ўзбекистон территориясида ҳам топилди.

Демак, Үрта Осиё территориясида қачонлардир антропогенез жараёни содир бўлган.

Модомики, тиббиётнинг шаклланиши антропогенез жараёни билан боғлиқ экан, бу жараён дастлаб Африка ва Осиё территориясида содир бўлган экан, демак тиббиёт ҳам дастлаб Африка ва Осиёда келиб чиққан. Бинобарин, бизнинг ўлкамиз ер юзида тиббиёт биринчи пайдо бўлган регионлардан биридир. Үрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон территориясида антропогенез жараёнининг дастлабки даврига мансуб ашёвий далиллар (одамсимон махлуқларнинг сүяклари) топилиши бу фикри исботлайди.

Үрта Осиёда тиббиёт, бошқа регионларда бўлганидек, яшаш учун кураш жараёнида зарурат туфайли келиб чиққан. Аввало баъзи ҳайвонлар ва одамсимон маймунлар даволанишнинг примитив усуулларида фой-

далангандар. Улар табиатдаги мавжуд ўсимликларни овқат сифатида еб кўриб, улар ичидаги шифобахшлари ҳам бор эканлигини аниқлагандар ва қисман улардан даво мақсадларида фойдалангандар. Бунда ҳайвонлар фақат инстинктив равишда иш кўрганлар. Ҳайвонларнинг тараққиёти биогенез доирасидан чиқмаганлиги сабабли уларда абстракт фикрлаш қобилияти ривожланмай қолган. Шу сабабли ҳайвонлар бирор даво чорасини ёки шифобахш ўсимликни қўллагандарида ақл-идрокни ишлатиш даражасига кўтарила олмадилар. Шунинг учун ҳайвонларнинг «тиббиёти» инстинкттив тиббиёт даражасида қолиб кетаверди.

Одамсимон маймунларда ва антропогенез жараёни натижасида улардан пайдо бўлган одамсимон махлуқларда иш бошқача бўлган. Үларнинг ўзига хос гавда тузилиши ва айниқса бош миясининг юксакроқ ривожланганини туфайли бу махлуқлар ўз ҳаракатларида «ақл-идрокни» кўпроқ ишлата бошлайдилар. Улар даволаш чораларини амалга оширишда ҳам ақл-идрокни ишга соладилар.

Шундай қилиб, қадимги одамсимон махлуқларнинг қўллаган даво чоралари маълум мақсадга мувофиқ равишда амалга оширила бошлайди. Бунинг натижасида қадимги ибтидоий тиббиёт аста-секин шакллана бошлайди. Бу жараёнда иш қуролининг кашф этилиши ва ундан фойдаланиш катта роль ўйнади.

Инсоният тарихи иш қуроли яаш ва ундан фойдаланишдан бошлангани каби тиббиёт тарихини ҳам ўша даврдан бошлаш тўғридир. Чунки дастлабки иш қуроллари, масалан тошпиçoқ маълум даражада муолажа қуроли вазифасини ҳам бажарган.

Археолог ва антрополог олимларнинг фикрича, биринчи бўлиб қуролни бундан 900—700 минг йил муқаддам яшаган питекантроплар ясаганлар. Тиббиётнинг шаклланиш тарихини ҳам шу даводан ҳисоблаш мумкин.

Урта Осиёда тиббиёт келиб чиққандан бошлаб то илмий тиббиёт даражасига бориб етгунга қадар 4 асосий босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич инстинктив тиббиёт даври. Бу тиббиёт баъзи ҳайвонлар ва паст даражадаги одамсимон маймунларга хос бўлган. Бу тиббиётнинг хусусияти шундан иборатки, даволаш чораларида ҳеч қандай қурол ишлатилмаган. Шунинг учун даволаш чоралари жуда ҳам примитив бўлган.

Иккинчи босқич даволашда жуда ҳам оддий қуролдан, асосан тошдан ясалган қуролдан фойдаланиш даври. Бу даврни тиббиётнинг тош даври деса бўлади. Бу давр тиббиётнинг хусусияти шундан иборатки, бу ерда даволаш ишини амалга оширишда маълум даражада идрок қатнаша бошлаган. Даволаш ишлари маълум мақсад билан амалга оширилган, яъни инстинктнинг ўрнини идрок эгаллаган.

Учинчи босқич тиббиётнинг касб сифатида шаклланниш даври. Бу босқич ибтидоий жамоа давридан қулдорлик жамиятига ўтиш билан боғлиқ. Қулдорлик даврига келиб ҳар хил касблар билан бир қаторда табиблик касби ҳам келиб чиқади. Табиблик касбининг келиб чиқиши тиббиётнинг ривожланишини анча тезлаштириди.

Тўртинчи босқич илмий тиббиётнинг келиб чиқиши, яъни унинг фан сифатида шаклланиши даври. Урта Осиёда бу босқич феодализм тузумининг энг ривожланган даврига тўғри келди. Бу давр тиббиётнинг хусусияти шундан иборатки, у мамлакатда умумий иқтисодий, маданий ва илмий тараққиёт жараёнида ривожланди. Шу даврга келиб Урта Осиё тиббиёти жаҳон миқёсида етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Урта Осиё ер юзида тиббиёт биринчи марта келиб чиқкан ва ривожланган регионлардан бири бўлган.

## АДАБИЁТЛАР

- Алексеев В. П., Ходжайов Т. К., Халилов Х. Население верховьев Амудары по данным палеоантропологии. — Ташкент: Фан АН УзССР, 1984.
- Аскаров А. А. Сапаллитепа, — Ташкент, Фан АН УзССР, 1973.
- Борисовский П. За миллион лет до нашей эры, новое о происхождении человека, «Известия», 13.9.74 № 25.
- Дэвид Эттенборро, Яррабирри фарзандлари, «Фан ва турмуш». 1988, № 5.
- Исламов У. М., Зубов А. А., Харитонов В. М. Палеолитическая стоянка сельцунгур в ферганской долине, в кн. Вопросы антропологии. Изд. МГУ, 1988, вып. 80.
- Исламов У. И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель—Үнгур. В сб. Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке в Средней Азии. — Ташкент: Фан АН УзССР, 1988.
- Кадыров А. А. Первая гражданская больница в древнем Самарканде, «Медицинский журнал Узбекистана», 1988, № 5.
- Кадыров А. А. Древняя аптека на территории Узбекистана, «Медицинский журнал Узбекистана», 1987, № 11.
- Мухамеджанов А. Р., Адылов И. Т., Мирзаахмедов Д. К., Семенов Г. Л. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. — Ташкент: Фан АН УзССР, 1988, 196 с.
- Мухамаджонов А. Пойкенд топилмаси. — Тошкент: «Совет Узбекистони», 16.12.84, № 29.
- Немцева Н. Б. Медресе Тамгац Багра-хона в Самарканде. В кн.: «Афрасиаб» — Ташкент: Фан АН УзССР, 1974, вып. III.
- Никоноров А., Пиляцкин Б. Тайны долины Аваша, «Известия», 19.3.76, № 66.
- Носков А. И. Животные лечатся. «Наука и жизнь», 1974, № 8.
- Окладников А. П. Исследование мустарьеской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. В. кн. Тешик-таш. — Ташкент: изд. МГУ, 1949, стр. 7—85.

- Рохлин Д. Г. Болезни древних людей. М.: Наука. — М. — Л., 1965.*
- Сорокина Т. С. Формирование медицинских знаний в истории человечества. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора мед. наук, М., 1987 г.*
- Тельман Ходжайов, Моисей Молдавский, Гальшира Хожайова. Суяклар ҳинкоя қиласи, «Фан ва турмуш», 1986, №9.*
- Ходжайов Т. К. К палеопатологии древнего Узбекистана. — Ташкент: Фан АН УзССР, 1980.*
- Ходжайов Т. К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа, — Ташкент: Фан УзССР, 1977, 117 с.*
- Юрий Рощус. Шифокор жоноворлар, «Фан ва турмуш», 1987, № 8.*

*Научная литература*

*На узбекском языке*

АСАДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ КАДЫРОВ  
доктор медицинских наук

**ВОЗНИКНОВЕНИЕ МЕДИЦИНЫ  
В СРЕДНЕЙ АЗИИ**

Редакция мудири А. Камолов  
Мұхаррир Н. Рустамова  
Расмлар мұхаррiri А. Қажхоров  
Техмухаррир В. Мешерякова  
Мусаҳид M. Қодирова

ИБ № 1647.

Босмахона 05.04.90 да берилди. Босншга 07.09.90 да рухсат этилди. Бичими 70×108<sup>1/32</sup>. № 1 босмахона қофози. Юқори босма. Адабий гарнитура. Шартли босма табоқ 2,8. Нашр босма табоқ 2,76. 2,91 шартли бўёқ-оттиски, 43—89 рақамли шартнома. Жаъми 8000 нусха. 871 рақамли буюртма. Баҳоси 20т.

Издательство имени Ибн Сины УзССР, Ташкент, Навои, 30.

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети Тошкент, «Матбуот» матбаа ишлаб чиқариш бирлашмасининг З-босмахонаси. Тошкент, Юнусобод даҳаси. Муродов кўчаси, 1.